

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «УСТОЗ» ЖАМЎАРМАСИ**

# **КОМИЛЛИК ЎГИТЛАРИ**

**ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2003**

**Тузувчилар:** **М. Х. Саидов, З. Т. Тоҳиров.** Комиллик ўғитлари. Тошкент. «Молия» нашриёти, 2003, 96 б.

Ҳар ким илм-ҳикматни ўрганамади деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг устидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланибган бўлсин, ҳиёнат, макр-ҳийладан узоқ бўлсин; бир соатгина илм ўрганиш бир кечатик ибодатдан яхшидир; устоз ва муаллимлар ҳурматини ўрнига қўйганлар бу дунёда ҳам, охирабда ҳам савоб топади — булар ва шулар каби комилликка даъват этувчи ўғитлар жамланган ушбу рисола узлуксиз таълимнинг барча бўғини — мактабгача тарбия, ўрта мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида тарбияланувчи ва таълим олувчиларга, уларнинг мураббийлари, ўқитувчиларига, аспирантларга, шунингдек, маънавият-маърифат соҳаси ходимлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари мураббий-педагоглари, маҳалла фаоллари ҳамда китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Академик **С. Фуломов** таҳрири остида

**Тақризчилар:** **З. Тошматов**, иқтисод фанлари доктори, профессор  
**С. И. Иноятов**, тарих фанлари доктори, профессор

© Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси.  
«Молия» нашриёти, 2003 й.

## МУҚАДДИМА

Ўз маҳалласидан бирмунча вақт бирор зарурат гақозоси билан узоқроқда бўлган ҳар бир киши қайтиб келаётганда ёки маҳалласига яқинлашиб қолганда биринчи учратган маҳалладошидан «маҳалла тинчми», «маҳаллада нима гап», деб суриштиради. Сўнг ўз уйи ва кўни-қўшнисини йўқлайди. Бунинг ўзига хос ҳикмати бор — «маҳалла тинч — сен тинч», деб халқимиз бежиз айтмаган.

Хўш, маҳалла ўзи нима? «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да маҳаллага шундай таъриф берилган: «Шаҳарнинг бир неча қўчасини ўз ичига олган бир бўлаги ва унинг аҳолиси», Ўзбекистон энциклопедиясининг 7- жилдида эса — шаҳар ва қишлоқларда аҳоли яшайдиган маъмурий-территориал бирлик, квартал, дейилган. Хуллас, маҳалла аҳоли истиқомат қиладиган энг кичик маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида халқимиз тарихида қадим-қадимдан муҳим аҳамият касб этган. Унинг илдизлари узоққа бориб тақалади. М. Наршахий «Бухоро тарихи»да, А. Навоий «Вақфия» асарида маҳалланинг тарбиявий аҳамиятини тавсифлаганлар. Азалдан маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир хонадон бир-бирини яхши билган. Кўни-қўшнилари ўз маҳалласидаги ҳар бир тadbирда, у хоҳ тўй, хоҳ мотам маросими бўлсин, фаол қатнашганлар. Маҳалладошлар орасида кексаларни, беморларни, ночор oilаларни ҳолидан хабар олиш, имкон даражасида кўмак бериш, дунёга янги келган фарзандни қутлаш, хонадон соҳибини табриклаш одаги халқимизнинг қон-қонига сингиб қолган. Маҳаллада жамоатчилик фикри ниҳоятда қадрили булган. «Бунга маҳалла нима дер экан, маҳаллада нима деган бўламан, энди маҳалланинг юзига қандай қарайман, маҳаллани олдиан бир ўтиш керак, буни маҳаллага билдириб қўйиш керак, маҳалланинг фотиҳасини олган маъқул» ва шу каби андиша ва раъй ҳамиша маҳалладаги ҳар бир балогат ёшидаги фуқаронни таъқиб этган. Маҳалла учун кўп савобли иш бўлибди, маҳалла миннатдорлик билан тилга олмоқда, маҳалланинг оғирни енгил бўлибди.

маҳалланинг ҳурматига сазовор бўлибди, маҳаллага бош-қош бўладиган-да, ўзи, маҳалланинг фахри ва шулар каби бошқа олқишларни олишни маҳалланинг ҳар бир аъзоси ўзи учун фахр деб билган, энг улуг мукофотдек қабул қилган. Маҳалла аҳли шахсий ва жамоа биноларини қуришда, кўча, майдон ва ариқларни тозалаш, ободонлаштиришда хашарлар уюштирганлар, бир-бирларига кўмаклашганлар. Собиқ тузум даврида маҳалладошлик, маҳаллагарчиликка сезиларли путур етган бўлса-да, лекин халқимиз ўзининг асрлар давомида шаклланган тарихий анъаналарини иложи борича сақлаб қолишга муваффақ бўлган.

Юртимиз мустақилликка эришгач, барча анъаналаримиз, урф-одатларимиз, миллий хусусиятларимиз ва турмуш тарзимизни ривожлантириш, унут бўлганларини қайта тиклаш учун кенг имкониятлар вужудга келди. Истиқлолнинг биринчи йилиданоқ жаҳондаги биронта халқда бўлмаган бизлаги маҳалладек институционал тузилмага алоҳида эътибор қаратилди. Чунки фуқаровий жамият қуришда унинг аҳамияти жуда юқоридир, зеро маҳалла ўз аҳли — фуқаролар томонидан бошқарилмоқда ва шундай бўлиб қолади.

Маҳалла фақат ижтимоий-маданий тадбирлардагина эмас, балки маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни амалга оширишда ҳам муҳим маскан вазифасини ўтаган. Хусусан, ёшларни тарбиялашда, уларнинг комил инсон бўлиб етишишларига ўз ҳиссасини қўшган. «Битта болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она», деган халқимиз мақоли бежиз айтилмаган.

Маҳалланинг ижтимоий аҳамиятини теран ҳис этган Республикамиз Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов мустақиллигимизнинг яна бир муборак йили — 2003 йилни «Обод маҳалла» йили деб белгилаш ҳақида таклиф киритди ва бу таклиф юртимиз барча фуқаролари томонидан зўр қўтаринкилик билан қабул қилинди.

Маҳалла инсонлар тақдирида қанчали муҳим бўлса, инсонлар ҳам маҳалла тақдирида шунчалик муҳимдир. Ваҳоланки, инсонлар билан маҳалладир, инсонларсиз у ҳувиллаган бир манзил. Маҳалланинг обрўини кўтарадиган ҳам, шуҳратини оширадиган ҳам, ҳуллас донгини чиқарадиган ва аксинча, ёмон оғли қиладиган ҳам, шаънини чўктирадиган ҳам унда манзил топганлар ҳисобланади. Балки мана шунинг учун ҳам халқимиз азалдан ёшлар тарбияси ва уларнинг касбий таълимига,

алоҳида эътибор қаратиб келган. Фарзанд дунёга келган кундан бошлаб мунис оналар, меҳрибон бувилар, шунингдек оталар ва бувалар унинг тарбияси билан ҳар томонлама шуғулланганлар. Шу ўринда бир ривоятни эслаш ўринли.

Бир кунни ёш ота-она ўз фарзандини донишманд ҳузурига олиб келишибди ва ундан сўрашибди: — Эй, улуг зот, биз фарзандли бўлдик, уни энди қандай тарбия қилайлик? Донишманд ёш ота-онадан фарзанд кўрганларига қанча кун бўлганлигини сўрабди. Улар «икки ой бўлди» деб жавоб қайтаришибди. Шунда донишманд уларга қарата, фарзанд тарбиясига роса икки ойга кечикибсиз, деб жавоб қайтарибди. Демак, фарзанд тарбиясига у тутилган кунданоқ киришиш керак экан. Зеро, комил инсонни тарбия қилиш ниҳоятда масъулиятли ва ўта аҳамиятли жараёндир. Ўтмишдаги қанчадан-қанча тариқат асосчилари, мутафаккирлар, олимлар, шоирлар инсоннинг комилликка қандай эришиши ва бу йўлда нималарга амал қилиш зарурлиги борасида ўзларининг пур ҳикмат фикрларини баён этганлар. Улар фикрича Инсон комил бўлиши учун аввало тарбия топиши, сўнг илм эгаллаши талаб этилар экан.

Ўйлаймизки, умуман юртимиз, хусусан ҳар бир маҳалламизнинг озод, обод ва фаровон бўлиши шу юрт, муайян маҳалла аҳли, алоҳида-айрим шахснинг комиллигига, комиллик эса таълимга боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам юртбошимиз баркамол авлод орзуси ҳақида гапирар эканлар, Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар қўлида, деб таъкидламоқдалар.

Комил инсон тарбияси тўғрисида айтилган буюк аждодларимизнинг дурдона фикрлари, уларнинг комилликка даъвати бугунги кунда — обод маҳалла йилида айниқса долзарбдир. Зеро, ота-оналар ва аждодлар ўғити истиқболимизнинг истиқболини ва шу истиқболни бунёд этувчи комил фарзандлар йўлини ёритувчи машъалдир.

Иншооллоҳ, бу машъал ва мустақиллигимиз абадий бўлсин.

*Тузувчилар*

## **ТАРБИЯ, ТАЪЛИМ, ИҚТИДОР, УҚУВ, МАЛАКА**

Аллоҳ такаббурларни севмайди.

*Ҳадиси Шарифдан*

Уқув қут беради, билим — шараф-шон,  
Шу икков туфайли улуғдир инсон.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у  
баракотдин умрбод баҳраманд бўлади.

*Низомиддин Мир Алишер Навоӣ*

Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида  
қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин. лекин ҳар қандай  
адолатсизлик, пасткашлик олдида қатъий бўлсин, ўзи зарур деб  
билган нарсани амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин ва  
қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиниш ва ожизликни билмасин.

*Абу Наср Фаробий*

Бўлмас адабсиз кишилар аржманд,  
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

*Низомиддин Мир Алишер Навоӣ*

Адаб ирфон илми иҷрадура шамъ.

*Анбар Отин*

Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади,  
Хулқи тўғри бўлган киши тўғра чиқади

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Дангаса бир ишни икки ишлар,  
Охири бармоғини тишлар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Дегул инсон десанг ани не ажаб,  
Бўлмаса қирқ яшарда ақлу адаб.

*Сайфи Сароӣи*

Улгаюрсан, санда бор бўлса адаб,  
Улгаюрсан, санга ёр ўлса адаб,

*Анбар Отин*

Тўпдан чиқсанг ҳам, кўпдан чиқма.

*Ўзбек халқ мақоли*

Билим бил, уқув уқ, юрма беҳуда,  
Пайти келса ёрир бу хил эр куни.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳаёт энг яхши мураббийдир.

*Оталар ўғити*

Онадан тарбия кўрмаган қиз ёмон,  
Отадан таълим олмаган ўғил ёмон.

*“Кўрқит Ота китоби”дан*

Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг устидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, хиёнат, макр-ҳийладан узоқ бўлсин.

*Абу Наср Фаробий*

Ҳаёли киши имонлидур, имонлилар жаннатийдир.

Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин.

*Ҳадиси Шарифдан*

Сабабсиз кулги — беодоблик белгиси.

*Оталар ўғити*

Одамларга таом едиринглар ва ширинсўз бўлинглар.

*Ҳадиси Шарифдан*

Керак тарбият ёшликдан керак,  
Улуғ бўлса, лозим келур ғам емак.

*Абдулла Авлоний*

Отага итоат — Аллоҳга итоат.

*Ҳадиси Шарифдан*

Болага отанинг меҳнати сингган бўлса,  
Сўнг у боланинг хулқ-атворида билинади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кишида барча ахлоқи ҳамида,  
Чу жамъ ўлди қўярлар отин эҳсон.  
Бириндин саҳодир, бири мурувват.  
Булар гар йўқдир, инсон эрмас инсон.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Муסיқа фани шу маънода фойдалики, кимнинг феъл атвори мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартибга келтиради.

*Абу Наср Фаробий*

Ота болани кичиклигидан бебош қилиб қўйса,  
Болада гуноҳ йўқ, барча жафо отада.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одамига яхши қилиқдур биҳишт,  
Етти тамуғдин баггар, ул ҳўи зишт.

*Ҳайдар Хоразмий*

Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,  
Ўлим келиб тутмагунча ўзгармайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мунофиқликнинг белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасини устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

*Ҳадиси Шарифдан*

Овқатланишда, ичкилик истеъмол этишда очкўз бўлмасин; табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин.

*Абу Наср Фаробий*

Инсонда доим турадиган хусн ва латофат ҳаё  
ила иффатдир,  
Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Киши ахлоқий мукамалликка эриша олади, хулқ ва одатлардаги нафсоний суръатларни нафс эгаси нафсни тозалаб, унга ахлоқий



даво қилса ва тадрижий суратда ахлоқ китобларида зикр қилинган йўллар билан ундан (нафедан) касалликни кетказса, нафсни ёмон хулқ ва одатлардан яхшига кўчирмоққа қодирдир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Ахлоқ ҳар бир киши учун ўз-ўзини идора қилиш илмидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Агар кир десалар бу — ҳурмат бўлур,

Чиқиб тур десалар — ҳақорат бўлур.

Бўлиб эҳтиёт кўзга, тутгин ўзинг,

Ўзин тутган эрлар сериззат бўлур.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Темир ёки тошдан чиқарилган ўт ўтинсиз бефойда бўлганидай, инсон қобилияти ҳам шунга ўхшайди. Агар унга тарбия берилса, юрак ўти мангу алангаланadi, тарбия орқали баркамолликка эришилади.

*Оталар ўғити*

Тавозуъли ва одоблиларга таъзим ва ҳурмат стади ва у уругни эккан бу қийматбаҳо ҳосилни тўплаб олади. Халқ муомаласида яхши ахлоқнинг бошланғичи шу хислатдир ва бу хислат қаттиқ ўрнашса муҳаббатга ҳалал етиши маҳолдир. Агар ҳар икки томонда яхши хулқ бўлса, адаб ва тавозуъ эвазига иззат ва таъзим пайдо бўлади. Бу хил дўстлар орасида муҳаббат ва бу йўсин ҳамсуҳбатлар орасида баҳамжиҳатлик бўлса, қандай яхши! Бундай муҳаббатли ва баҳамжиҳат кишилар дўст ва иттифоқ одамлардир, нақадар гўзал!

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Агар одам эсанг, сайр эт бу гулшанда адаб бирла,

Қадам ҳар сори қўйма ул сифат ким гову хар густох.

*Огаҳий*

Бола азиз, одоби ундан азиз.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ҳалимлик инсоннинг олижаноб фазилатларидан биридир. Ҳалим киши очиқ юзли, хушмуомила, ёқимли бўлади. Бундай кишилар учун иккиюзламачилик, дағаллик ётдир. Ҳалим ки-

шиларни бир-бирларини ҳурмат ва иззат қилишга, камтарин ва хоксор бўлишга ўргатади... Ҳалим инсонларнинг табиатидан хусумат, адоват, ғазаб каби ёмон хулқларни йўқ қиладиган ва ҳар кимга мақбул бир сифатдир. Нафснинг роҳати, қалбнинг матонати, фикрнинг саломати, виждоннинг қалити ҳалим табиат бўлмоқ ила ҳосил бўлур. Чунки, ҳалим кишилар қанча қувват ва қудрат соҳиби бўлса ҳам, ўзидан ожиз кишиларга шиддат ила муомила қилмас. фикри саломат кишиларнинг қалби ҳалим бўлур... Ҳалим хулқларнинг саидидир.

*Абдулла Авлоний*

Куш уясида кўрганини қилади.

*Ўзбек халқ мақоли*

Одам улдурким, жаҳонда яхши сўздин панд олур,  
Қолмас ушбу олам, аммо олам ичра сўз қолур.

*Пошшоҳўжа*

Балоғатга етмаган болаларнинг шароб ичишлари ёнаётган кучсиз ўтнинг алангасига аланга кўшиш кабидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан... касб-хунарга берилган бўлиши, ўрганишидир.

*Абу Наср Фаробий*



## **ИНСОН, УСТОЗ, БИЛИМ, ИЛМ, ҲУНАР, БОШҚАРУВ**

Ўғил-қизга билим, ҳунар ўргатиш керак,  
Токи бу ҳунарлар билан феъл-атвори гўзал бўлсин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарилган  
иши ва ҳалол саводидир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Мустаҳкам имонга таянган қудрат буюк бўладур.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Уста борида қўлингни тий,  
Устод борида — тилингни.

*Ўзбек халқ мақоли*

Инсон жамиятдан ташқарида яшай олмайди, жамиятда  
меҳнат тақсимоти, умуман, ўзаро муносабат бўлмоғи керак. Бу  
муносабатлар адолат талабларига мос бўлиши зарур.

*Абу Али Ибн Сино*

Билимсизнинг кўнгли қум эрур гўё,  
Ўт-ўлан ўсмайди кирса ҳам дарё.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Олим киши сўзидан олгил ўғит,  
Яхши сўзлар таъсири дилга сингар.

*Маҳмуд Қошғарий*

Агар халқнинг бошчиси яхши бўлса,  
Унинг хизматчилари яхши бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсон ўз табиатида бир-бирига қарама-қарши қоҳирнинг қаҳрисиз йиғилмайдиган қоришмалардан таркиб топган бадандир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Инсон ақли — олмос.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шаъмини ва иккинчи қўлимда бегаразлик шаъмини тутиб, ҳар икки шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим.

*Соҳибқирон Амир Темури*

Устозингга тик қарасанг, тўзасан,

Ҳурмат қилсанг, аста-аста ўзасан.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ҳукмдор халқ оммасидаги адолатга чорлайдиган ахлоқий хусусиятлар, одатларни ҳисобга олиши керак.

*Абу Али Ибн Сино*

Тетик бўлгин, эй бег ва қилгин тоқат,

Адолатли бўл, халққа қил марҳамат.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мен сифатларимнинг энг аввали деб бегаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддий ва одил қарардим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймадим.

*Соҳибқирон Амир Темури*

Илм ўқуб қилмаган амал мақбул,

Дона сочиб кўтармади маҳсул.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ақл — ёшдан,

Одоб — бошдан.

*Ўзбек халқ мақоли*

Бошлиқ ҳушёр бўлса, эл-юрт бало-офатларни кўрмайди. Борди-ю, бало-офат тутадиган бўлса, ҳушёр бошлиқ бунинг тезда чорасини топади.

Бошлиқ тўғри сўз, бутун ва соғлом бўлиши керак, токи эл-юрт ишониб унга қўнгил қўйсин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Уста бўлсанг, устозингни унутма.

*Ўзбек халқ мақоли*

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидурлар.

*Абдулла Авлоний*

Илмни ўрганмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Амалга қарама, ақлга қара.

*Ўзбек халқ мақоли*

Адолатли, фанни севувчи ақли ҳукмдор инсонпарварлик муносабатларини адолат талабларига мослаштириб туриши керак.

*Абу Али Ибн Сино*

Фалак бошингга қоплаб ит терисин,  
Сен оний жаҳлдин деб, ки шу санжоб,  
Ажаб йўқ, одамлигни унутсанг,  
Ўзингни бўйла, ит чармида асроб.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ақл бошдан чиқади,

Асл — тошдан.

*Ўзбек халқ мақоли*

Наф келтирмайдиган одам тирик кишилар орасидаги ўликдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бировким қилса олимларга таъзим,

Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Билимни буюк, уқувни улуғ бил,  
Бу иккиси танланган бандасини улуғлайди.  
Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,  
Билим кимда бўлса, буюклик олади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бешикдан қабргача билим иста.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ақл ўлчови — сўз,  
Сўз ўлчови — нақл.

*Ўзбек халқ мақоли*

Халойиққа раҳм қилдим, барчага нафъ еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим.

*Соҳибқирон Амир Тему*

Билимсиз, шубҳасиз, аниқ кўрдир,  
Кел, эй нодон, билимдан ҳисса ол.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Уламолар суҳбагида бўл, пок, соф ниятли кишиларга талпин.

*Соҳибқирон Амир Тему*

Ақлинг борида эл тани,  
Кучинг борида ер тани.

*Ўзбек халқ мақоли*

Халқни идора қилиш учун ақлли ва юракли бўлиш керак.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Йигитликда йиғ илмнинг махзани,  
Қарилик чоғи сарф қил ани.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Бошлиқ бешта ишдан узоқ турмоғи, улардан асранмоғи шарт:

Бириси — шошилмоқ, бири — кўзи оч,  
Бири жаҳолатдир, яқинлашма, қоч.

Тўртинчи — ёвузлик, бузуқ феъллилик,  
Охиргиси — ёлгон, кўпол тиллилик.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Инсон ақл чирोगи, қолаверса бутун коинот кўзининг нуридир.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Илмсиз иликсиз сўнгак каби бўшдир, иликсиз сўнгакка қўл урилмайди.

*Аҳмад Юғнакий*

Қайси бир олимнинг илмидан сўралганда қизғониб гапириб бермаса, қиёматда оғзига ўтдан тизгин солиб қўйилади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ақли қизни йиғлатиш ҳам қийин,  
Кулдириш ҳам.

*Ўзбек халқ мақоли*

Билим билан кишининг мартабаси ошди, илмсизлик эса кишини тубанлаштирди.

*Аҳмад Юғнакий*

Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Авалло олим бўл! Лоақал таълим олувчи ёки тингловчи, илму уламоларни севувчи бўлгин.

*Ҳадиси Шарифдан*

Заковатли уқади, билимли билади,  
Билимли, заковатли тилакка етади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мусулмон биродарларига ҳам ўргатишидир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Барча сўзларимда доимо ҳақиқатгўйликка амал қилдим; бу дунё ва у дунё ҳақида эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Подшоликлар емирилади, динлар тумандек тўзиб кетади, лекин олимларнинг иши абад ул-абад қолади.

*Мирзо Улугбек*

Агар кўппак (ит)ларга арслон бош бўладиган бўлса, барча кўппак (ит)лар ҳам арслон сингари яшайди. Арслонга кўппак бош бўлса-чи? Унда арслон ҳам шу кўппак ҳисобига киради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Яхши иш қилмоқ учун йўқса ўқув,  
Санга лозимдир уқув бирлан ўқув.

*Албар Отин*

Ҳар кишида илму санъат бордур,  
Бахту давлат ул кишига ёрдур.

*Камий*

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,  
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Устоз ва муаллимлар ҳурматини ўрнига қўйганлар бу дунёда ҳам, охиратда ҳам савоб топади.

*Қошифий*

Подшолик истасанг бўл эл гадоси,  
Ўзингни унуту бўл эл ошноси.  
Эл тож каби бошга кўтарсун десанг,  
Эл қўлин тутгину бўл хокипоси.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Нодон агар улуғ бўлса, унга кўнгил боғлама,  
Чунки амал нодон билан боқий эмас жаҳонда.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим; ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим.

*Соҳибқирон Амир Темури*

Билмаганни сўраб ўрганган олим,  
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*



Заковатли киши гўзал ва тил-сўзи тўғри,  
Ва тамоми қилиқлари тугал — тўкис бўлади.

**Юсуф Хос Ҳожиб**

Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган  
ҳолда тунаydi.

**Ҳадиси Шарифдан**

Илм, Навоий сенга мақсуд бил,  
Эмдики, илм ўлди, амал айлагил.

**Низомиддин Мир Алишер Навоий**

Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра,  
Илмли бўл, бахт йўлини изла.

**Аҳмад Юғнакий**

Ҳақиқий олим шундай кишики, унинг сўзи, ўйи, фикри ва  
иши бир хил бўлади.

**Оталар ўғити**

Илмни ёзиб қўйиш билан боғлаб олинглар.

**Ҳадиси Шарифдан**

Билимсиз кишиларнинг қўнгли хурофотга мойил бўлади.

**Абу Райҳон Ал Беруний**

Олимнинг ёмонлиги кеманинг синишига ўхшайди. Чунки  
кема синса ҳам ўзи чўқади, ҳам ўзгаларни чўктиради.

**Оталар ўғити**

Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан  
подшоҳларга ёрдам бериб келганлар.

**Соҳибқирон Амир Темури**

Назарий билимлардан ҳосил қилинадиган тушунчалар узоқ  
ва чуқур тушуниш, текшириш, кашф — ижод. таълим олиш ва  
бошқаларга таълим бериш йўли билан қўлга киритилади.

**Абу Наср Фаробий**

Амалий илм уч турга бўлинади: биринчиси — мамлакатни  
идора қилиш, иккинчиси — уйни идора қилиш, учинчиси —  
ўз-ўзини идора қилиш.

**Абу Али Ибн Сино**

Саводсиз кишиларнинг сезиладиган ва кўриладиган нарсага тарафкашлик қилиб қизиқиши, ҳар бир замон ва ҳар бир жойда озчиликни ташкил қилган олимлар ақллари топадиган нарсадан уларнинг нафрат қилиши табиийдир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Инсоннинг кийимига қарама, билимига қара.

*Замахшарий*

Билимли эр ўлса, оти ўлмас,  
Билимсиз юрар экан, оти ўлик.

*Аҳмад Югнакий*

Ўқиб илму ҳунарларни, ким ҳикмат сирини билмиш,  
Билиб ўз эътиборин ҳам ҳуқуқини таниб олмиш.

*Нозимахоним*

Олим кўр бўлса ҳам дунёни кўради,  
Жоҳил соғ бўлса ҳам узоқни кўрмайди.

*Оталар ўғити*

Ажаб йўлдур тамоми меҳнат ранж,  
Ва лекин ҳар қаричда бир ниҳон ганж.

*Сўфи Оллоёр*

Билим — қайтариш ва такрорлаш мевасидир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Олимларга яқинлаш, баҳра олгил тутиб дил.

*Маҳмуд Кошгарий*

Жаҳон илмики бу кун менга ёд эрур,  
Анга барча жаҳл аҳли устод эрур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Киши зулмат босган қоронғу уй кабидир,  
Уқув-идрок бир машғалдирки, уни ёритади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билиминг шундайки, у яланғоч бўлганинда ҳам ўзинг билан қолади, уни ҳаммомга кирганинда сув ҳам йўқота олмайди.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Камол эт касб ким, олам уйидин  
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кўргин, турли яхшиликлар укув-идрокдан келади,  
Киши билим туфайли улғаяди, машҳур бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Дониш эрур отган ўқим нишони,  
Дадиллик манбаи билимим кони.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр — мингни.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутди юз ранж ила,  
Айламоқ осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Инсон ҳунаридан ҳурмат кўради,  
Дунёда не экса, шуни ўради.

*Оталар ўғити*

Ким бўлса ҳунарсиз иши — ўқ ранжи эрур,  
Бу важҳ ила ҳунари ганжи эрур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Илм ибодатдан афзал.

*Ҳадиси Шарифдан*

Улусқа раҳм этиб ғамхўр бўлғил,  
Ҳамиша шоду бархурдор бўлғил.

*Ҳайдар Хоразмий*

Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас.

*Машраб*

Ҳар бир киши касб-корини мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи керак.

*Абу Наср Фаробий*

Халққа лутфни кам қилмағил,  
Ҳеч кишига жавру ситам қилмағил.

*Пошшоҳўжа*

Агар бўлса беклар хулқи ёмон,  
Ёмонлар кўпайиб, яхшилар бузилиши аён.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ким ёр анга илм толиби илм керак,  
Ўргангали илм толиби илм керак.  
Мен толиби илму толиби илме йўқ,  
Мен бормен илм толиби, илм керак.

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур.*

Баъзилар Одамнинг (барча инсонлар) отаси эканига иқдор бўлади, баъзилар эса (буни) инкор этиб, ҳар бир тоифани алоҳида отага нисбат берадилар. Улар: «Агар дастлаб ота битта бўлганда гавда тузилишлар ва кўринишлар албатта бир-бирига ўхшаш бўлар, тиллар ва луғатлар мувофиқ келар эди»,— дейдилар. Бу гапларнинг қайси далилга асосланганини билмайман. Чунки (одамлар) тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоққа турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг (одам) яшайдиган жойларининг турличалигидан ҳамдир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Эй, кўнгул, ҳуру пари васфин эшитдим гўйё:  
Ҳеч қайси одамилиғда эмас инсонча хўб.

*Низомиддин Мир Алишер Навоӣ*

Кимда ақл бўлса, у асл одам бўлур.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар кимга хирад тариқининг нисбати бор,  
Давлатқа агар етса анинг муддати бор.  
Ахмоққа чу етса салтанат шанъати бор,  
Султонлиғининг заволига суръати бор.

*Низомиддин Мир Алишер Навоӣ*

Табиатшунос инсон энг юқори даражадаги камолига эришиш учун ўзидаги паст бўлмиш — ҳайвоний сифатларига янги сифатларнинг қўшилиши натижасида эришди, дейишади. Бу билан улар одамнинг бир турдан иккинчи турга ўтиб, инсонлиқ даражасига олиб келган ва унинг асли табиатига ишора қилмоқчи бўладилар. Лекин улар одамни итдан отга, кейин маймунга, ниҳоят ҳайвондан инсон даражасига етгунча ундан устун келиб етилганига ишора қилмоқчи эмаслар.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилгандек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади.

*Абу Наср Фаробий*

Киши ўз меҳнат ва машаққат чекишлари жараёнида, гарчи у инсонларнинг энг ақллиси ва энг зийраги бўлса ҳам, ҳамиша шоду хурсандчиликни орзу қилиб, севинч келтирадиган нарсаларга мойил бўлади ва ёлғон кўриладиган нарсалардан тортинади.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Киши яхшиси ким, киши раҳбари,  
Кишилиқ қилувчи — бу халқ сарвари.  
Кишига жавоб қил кишилиқ билан,  
Шунга боғлиқдир яхши номлар бари.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Маърифат шоирини сўзи садаф,  
Ҳарзағўй аҳли учун мисли хазаф.

*Анбар Отин*

Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг урдасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, хиёнат, макр ва ҳийладан узоқ бўлсин,

диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотиқ бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин; илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин, барча реал, моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин.

*Абу Наср Фаробий*

Илм даргоҳига кираркансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўрмас қилиб қўювчи ҳолатлардан, чунончи қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсдан, рақобатдан, ҳирсиёт қули бўлишдан, ўз ҳокимлиги учун қурашдан озод бўлмоғи даркор.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Олғил мандин насиҳат, ўғлим, илму адаб ўргангин,  
Бўлуб билимли улуғ халқ ичида бошқага илму  
адаб ўргатгин.

*Маҳмуд Қошғарий*

Илм орқали халосга етишиш фақатгина ёмонликдан тийилиш билангина вужудга келади. Ёмонликнинг шохобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси тамаъ, ғазаб ва илмсизликдир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Билим-ла ечилур ҳамма берк тугун,  
Билим ва тушунишга интил кун-тун.  
Билимни сол ишга, неча билмагин,  
Яна ўрганавер, ғанимат бу кун.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Билмоқдин айтурман сўзимга қулоқ сол,  
Билимликка ўзни дўст қил, яқинроқ ол.  
Билим бирла билинур саодат йўли,  
Билим бирла топилур саодат йўли.

*Аҳмад Юғнакий*

Билимсизга юрма яқин, ўзни тут,  
Ўзни тутган эрларга ёр бўлгай қут.  
Ҳа, зинҳор билимсиздан тургин йироқ,  
Билимсиз сўзи, хулқидир бесубут.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Илмли бўлишга интилиш жумлаи мўмин эр ва аёлларга олий шарафдир.

*Мирзо Улуғбек*

Қайси фанга киши ишқи тушуб ўрганаркан онда,  
Кишидан яхши от қолғай албатта жаҳонда.  
Имкониинг борича илм олмоқ бўлсун шиоринг  
Ки, яхши от қолғай жаҳонда бўлуб ёдгоринг.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Қўю бу илм йўлида қадам дарс,  
Ўқуғил саъй ила ҳар субҳидам дарс.  
Ки бу йўлда ғиноға не қадрдур,  
Ололмасдур сотиб аҳли дирам дарс.  
Тушуб чун илм йўлиға дарс ўқирдин,  
Бошингга тиг келса қилма рам дарс.

*Сўфи Оллоёр*

Эй келди фунуни илм таслим сенга,  
Қилмоқ манго лозим бўлди таъзим сенга,  
Гарчи йўқ эрди қувват аёқимда, вале  
Келдим бош ила олғоли таълим сенга.

*Огаҳий*

Ҳар ўқушнинг маънисига тез тушунсангиз агар,  
Яхши муллолар каби олим борар рафторингиз.

*Аибар Отин*

Уйқуни ҳаром қилғил, узун тунда,  
Молингдан закот бергил, бу кун мунда.  
Қиёмат бергай санга ёрин анда.  
Ўғил-қизинг, илм ўргансун, бер устозга.

*Сулаймон Боқирғоний*

Билимсизнинг қатими узун бўлади.

*Ўзбек халқ мақоли*

Маърифат дарёсинда ғаввос бўлуб,  
Муҳаббат гавҳарларин олғум келур.  
Тариқат майдонинда парвоз қилиб,  
Ул Тубо дарахтиға қўнғум келур.

*Сулаймон Боқирғоний*

Кел, эй толиб, кўзинг ибрат билан оч,  
Муҳаббатсиз кишидин қуш бўлиб қоч.

*Сўфи Оллоёр*

Толибмен деб айтурлар, кўнглида йўқ зарра нур,  
Чин толибни сўрсангиз ичи-тоши гавҳар, дур.  
Ҳаққа аён сирлари, емишлари сафо нур,  
Арслон бобом сўзларин эшитингиз табарруқ.

*Аҳмад Яссавий*

Ҳақиқат аҳликим, чекти бу олам ичра меҳнатни,  
Ўшал меҳнат била охир топар жоҳ ила давлатни.  
Бу давлат кетмасун мандин, деган оқил киши шаксиз,  
Басе олий тугар уқбо саранжомида ҳимматни.

*Пошшоҳўжа*

Агар олим сўзин хўб билса омил,  
Ани омий дема, эй марди комил.

*Сўфи Оллоёр*

Кўп дегучи дўзах тўрига ошиқиб кетувчидир. Сўзлашга  
берилган киши — ҳикмат шарафидан четлашган ва маҳрумдир.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Эй келди фунуни илм таслим санга,  
Қилмоқ анга лозим бўлди таъзим санга.  
Гарчи йўқ эрди қувват оёқимда, вале,  
Келдим бош ила олғали таълим санга.

*Огаҳий*

Бахтсизликнинг белгиси ишёқмасликдир.

*Оталар ўғити*

Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам  
ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга  
фақат табиий равишда муяссар бўлар, табиат талаб қилган  
табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди.

Касб-ҳунар фазилати туғма бўлмас экан, халқлар ва шаҳар  
аҳлларида ахлоқ, одоб, расм-русм, касб-ҳунар, одат ва иродани  
ҳосил қилиш учун инсондан зўр куч ва қудрат талаб қилинади.  
Бу икки йўл билан: яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил



қилинади. Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир.

*Абу Наср Фаробий*

Дон сочувчи деҳқон ерни ёриш билан ризқ йўлини очувчидир. Агар тўғрилиқ ва тузуклиги бўлса қорамоли Солиҳ туясича бўлур. Қўши ҳам икки зўр полвон бўлиб, юкига бўйсуниб олдида юради; ишлашда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон уларни суришида худди Одам. Дунё ободлиги улардан, аламликлар шодлиги улардан. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, халққа ҳам овқат етар, ҳам баракат.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Илм андоқ ганжи нофеълдур бани одамғаким,  
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.

*Огаҳий*

Халқға алтофни кам қилмоғил,  
Ҳеч кишига жавру ситам қилмағил.  
Айла худонинг қазабидин ҳазар,  
Солма кишининг ҳарамига назар.

*Пошихоўжа*

Одамнинг юзи — олмосдан ўткир.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ҳар китобни ўқиғонда маънисин уқиш керак,  
Андин ўрганиб адаб илмин ғазал тўқиш керак,  
Норасоликнинг жаҳонда томирини қирқиш керак,  
Илмсиз афсунчиларга тири паррондур китоб.

*Дилшод Отин*



## **ОИЛА, ҚАРИНДОШ, УРУҒ, ҚЎШНИ, ДЎСТ, ДУШМАН**

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимаиди,  
дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак  
бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Айбсиз дўст излаган, дўстсиз қолар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Чун бўлур ҳар лаҳза бегона бирла ошно,  
Ошнолардин кўнгул бегона бўлмай найласун.

*Ҳусайн Бойқаро*

Онангга бошингни ҳам қил,  
Отангга гапингни кам қил.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ҳар нарсанинг янгиси, аммо дўстнинг эскиси яхши.

*Оталар ўғити*

Жуда кўҳна сўз, масалда келар,  
Ота ўрни ота ўғлига қолар.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Арпа бугдой бир кунингга ярайди,  
Содиқ дўстинг ўлгуингча ярайди.

*Ўзбек халқ мақоли*

Бошни фидо қилғил ато бошиға,  
Жисмни қил садқа ано қошиға.  
Тун-кунингга айлагали нурфош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Отанг тазирини олмай десанг,  
Одам таъсирини ол.

*Ўзбек халқ мақоли*

Дўстлар дилини ранжитиш душманни муродига етказишдир.

*Кошифий*

Ўпка, юрак, гўшт эмас,  
Ҳисоблашган дўст эмас.

*Ўзбек халқ мақоли*

Бу ҳақда турк беги яхши сўзлаган,  
Ўғил-қиз — кўрар кўз нуридир, деган...

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Балиқ сувсиз яшамас,  
Инсон — дўстсиз.

*Ўзбек халқ мақоли*

Душманлар ҳамиша насабларга таъна қилиш, номусларни  
ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Кимники айлай дер эрсанг маҳраминг,  
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Уруғингга сўз айтсанг,  
Орасини узиб айт,  
Отанг ишга буюрса,  
Намозингни бузиб айт.

*Ўзбек халқ мақоли*

Аввал онангга яхшилик қил, яна онангга, тагин онангга  
яхшилик қил, сўнгра отангга яхшилик қил!

*Ҳадиси Шарифдан*

Фамингни дўстингга айтма, куйинади,  
Душманингга-айтма, суюнади.

*Ўзбек халқ мақоли*

Дўстлик, яқинлик икки хил бўлади: бири эзгу ниятлар туфайли юзага келса, бошқа бири дўстлик шахсий манфаатларни деб бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Атоға ким бу янглиғ қилса хизмат,  
Ўз ўелиндин анингтеқ тобгай иззат.

*Қутб Хоразмий*

Ўгил-қиз кичиклигида нимани ўрганса,  
То қариб ўлмагунча унутмайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Жаннат оналар оёғи остидадир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Яхши дўстинг кулдирар,  
Ёмон дўстинг куйдирар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Қўни-қўшни, қариндош,  
Кўрсин сендан яхшилиқ.

*Маҳмуд Кошғарий*

Онангни отангга ёмонлама,  
Дўстингни — душманга.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ёнида қўшниси туриб, фақат ўз қорнини тўйғазиб юрадиган одам мўмини комил эмасдир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Қариндош-уруғ киши учун қанот, дўстлар эса курашда қуролдир.

*«Махзан ал-улум»*

Дўстингга отилган кесакнинг чанги  
Сенинг кўзингга тушар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Бир-бирингиз билан саломлашиб юринглар, шунда ўртала-рингизда меҳру муҳаббат уйғонур.

*Ҳадиси Шарифдан*

Дўстнинг кўнгли қолгунча,  
Душманнинг бўйни узилсин.

*Ўзбек халқ мақоли*

Дўстларим бўлсин десанг аҳли жаҳон,  
Хулқи хушлуқни қил одат, эй Аваз.

*Аваз Ўтар ўғли*

Ҳар ким беайб дўст истаса, анга дўст топилмағай  
Ва кимки дўстга ҳар хитоб учун итоб қилса, душман  
кўпайғай.

*Сидқий Хондойлиқий*

Дўст улдурким, ёмон кун юз эвурмас, дўстидин.

*Мушс*

Дарахтни томири сақлар,  
Одамни — дўсти.

*Ўзбек халқ мақоли*

Агар (дўст) холис ва тоза чиқса, анинг бирла дўстлик қилғил.  
Йўқ эрса, они ўз сирингдин огоҳ қилмағил...

*Сидқий Хондойлиқий*

Дунё сафоси билан, дўст вафоси билан гўзал.

*Оталар ўғити*

Дўст сирини душмандан пинҳон тут.

*Ўзбек халқ мақоли*

Дўст тутмоқ осон, риоя қилмоғи қийин,  
Душман бўлмоқ осон, ярашмоғи қийин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Дўстнинг ёмони шундайки, яхшилигингни унутади,  
ёмонлигингни эслаб юради.

*Оталар ўғити*

Дўстни оғритсанг, душман шод бўлар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Уч нарса уч кишида бўлмайди: дўстлик — лақмада, шафқат — серғазабда, ҳалоллик — очкўзда!

*Оталар ўғати*

Аҳбобо, йиғилмоқни фароғат тутингиз,  
Жамиятингиз борини давлат тутингиз.

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур*

Ҳисобдан адашсанг ҳам, дўстдан адашма.

*Ўзбек халқ мақоли*

Йўлдошинг ит бўлса, калтакни ташлама.

*Оталар ўғати*

Душманнинг кулгани — сирингни билгани.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Тўзган пахта бўз бўлмас, қадимий ёв дўст бўлмас.

*«Қўрқит Ота китоби»дан*

Душманга жонингни берсанг бер,  
Сирингни берма.

*Ўзбек халқ мақоли*

Олам аҳли билингким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Дўстга хиёнат қилма,  
Душманга — шафқат.

*Ўзбек халқ мақоли*

Душманни заиф деб узоқ ғофил бўлма,  
Нега қўрқайин, деб сўз билан керилма.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мингта дўстинг бўлса, уни кўп кўрма,  
Битта душманинг бўлса, уни оз дема.

*Аҳмад Юғнакий*

Душманингнинг ўлимини тилагунча,  
Жонингни соғлиғини тила.

*Ўзбек халқ мақоли*

Синалмаган дўстга ва синалган душманга ишонмоқ катта хато.

*Хожа Самандар Термизий*

Душман фирибин ема,  
Ва маддоҳ хушодадин чин дема.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кичик теб бермагил душманқа фурсат,  
Улуғ бўлур қачонким топса рухсат.

*Қутб*

Душманингни қарғама, дўстингга тегати.

*Ўзбек халқ мақоли*

Хотиринг топса ғубор дўстингдин асло ранжима,  
Душманинг дуосидин авло эрур дашноми дўст.

*Зебуннисо*

Ҳусни бўлса кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса жон озигидир. Ақлли бўлса, турмуш интизомли ва рўзгор керак яроғи тартибли ва саранжом бўлади.

Киши бу хилдаги жуфтга эришса, балки бундай бахт қўлга тушса, яширин ғам ва кулфатда сирдош ва ҳамдаминг бўлур, махфий ва яширин дард ва машаққатда ҳамнафас ва маҳраминг бўлур. Турмушдан ҳар жафо етса, ҳасратдошинг ул ва айланувчи осмондан ҳар бало келса, кўмақдошинг ул. Кўнглинг ғамидан у ғам чекади, баданинг заифлиги ва ҳорғинлигидан у қийналади... Носоз жуфт уй учун ҳам очиқ ва ҳам яширин қўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса, кўнгил ундан озорланади, ярамас бўлса, руҳ ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса қуввнинг кўнгли яраланади, ёмон ишлик бўлса эрга юз қаролик келади. Майхўр бўлса, уй ободлиги йўқолади ва бузуқи бўлса, уй ичи расвогарликка айланади.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Қизни эрқалатсанг, эрнингга(номусингга) тепар,  
Ўғилни эрқалатсанг, бурнингга тепар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Кимки санинг айбинги айтур санга,  
Шафқат ила лутфу карам қил анга.  
Дўстунг улдур, ани таҳқиқ бил,  
Ҳарна деса, сўзини тасдиқ қил.

*Пошшоҳўжа*

Урушқоқ ва жанжалкаш киши хафалик ва шодлик орасида яшайди.

*Замахшарий*

Дунё мени мулкум деган султонларга,  
Олам молин сонсиз йиғиб олганларга,  
Айшу ишрат бирла машғул бўлганларга,  
Ўлум келса бири вафо қилмас эрмиш.

*Аҳмад Яссавий*

Жасурни — жангда,  
Донишмандни — газабланганда,  
Дўстни муҳтожликда сина.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ғолиб душман забунинг бўлса шод бўлма ва иши андишасидин озод бўлмаким. сиёсатида таҳаммул вожибдур ва риоятида тааммул.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.  
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ.  
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Холис дўст улдурки, суҳбатлашмоқда малул бўлмағай,  
меҳнат бирла роҳатда ўзгача бўлмағай, ҳозир ва ғойибликда бўлакланмағай.

*Сидқий Хондойлиқий*

Қарз берсанг дўст кўпаяр,  
Талаб қилсанг — душман.

*Ўзбек халқ мақоли*



## **АҚЛ, ДОНОЛИК, НОДОНЛИК**

Бу куннинг тадбири сабабли эртанинг тадбирига эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Нечаки хирад ичра бўлса ками,  
Йилондин ямонроқ эмас одами.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват — руҳий куч билан боғлиқдир.

*Абу Наср Фаробий*

Аччиғинг олдин юрса,  
Ақлинг кейиндан ошиб келсин.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

*Оталар ўғити*

Юз ганж кишига ақлдин ҳосилдур,  
Йўқдур анга фақру фано, ким оқилдур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Доно ҳар диёрда азизу мукаррамдир,  
Нодон азиз бўлган диёрга лаънатлар бўлсин.

*Нодира бегим*

Ақлли одамнинг ўзини мақташидан кўра ёмонроқ айби йўқ.

*Оталар ўғити*

Ақл буй билан ўлчанмас.

*Ўзбек халқ мақоли*

Беақл бўлма ҳеч, беақл киши,  
Оёқсиз қурт каби юриш-туриши.

*Низомий Ганжавий*

Ақл одамни яшнатади, нодонлик эса қақшатади.

*Оталар ўғити*

Оқил ўлғон билгай оқил қадрини.

*Толибий*

Ақлли қария — оқиб турган дарё.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ки ҳар ишники қилди одамизод,  
Тафаккур бирла билди одамизод.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Доно ҳаргиз қилмади нодон била баҳс.

*Мунис*

Ақлли киши одамларни мисол ва далил билан ишонтиради,  
аҳмоқ эса қасам билан.

*Оталар ўғити*

Аҳмоқ сўзлар, ақлли тинглар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Нодонлик эрур элда маломатга далил,  
Доно улус олдида хижолатга далил.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Нодон одам молни, ақлли одам эса фазлу камолни қидиради.

*Муҳаммад Зеҳний*

... бир аср зиндонда ётмоқ,  
Нодон суҳбатидан яхшироқ.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Бефаҳмга сўз тушунтиришдан кўра елкада тошни ташиш афзал.

*Оталар ўғити*

Аҳмоқ элчи икки тарафни бузар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон,  
Тутиб аксини, топдим андин омон.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Нодон бош устидаю, доно поймол,  
Ё раб, бу фалакни эт зеру забар.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Аҳмоққа салом берсанг, мендан қўрқаяпти деб ўйлайди.

*Оталар ўғити*

Бўлар одам ёшида бош бўлар,  
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Аҳмоққа — калтак, донога — ишорат.

*Ўзбек халқ мақоли*

Кўр ўз айбунг, азиндин изламагил,  
Киши айбин қатиғлан кўзламагин.

*Аҳмад Юғнакий*

Боққа булбул ярашар, одамга — ақл.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ақлли ғофилнинг ҳоли — нодон ғофилнинг узрига силтов бўлади.

*Замахшарий*

Бошда ақл бўлмаса, оёқда тиним йўқ.

*Ўзбек халқ мақоли*

Оқил нодон сўзидин ибрат олиб баҳс қилмас.  
Балки ислоҳиға кўшиш қилур.

*Нодира бегим*

Яхшироқ нодон киши тож этканидан бошиға,  
Аҳли донишнинг аёқи остида янчилмоқ.

*Оғаҳий*

Оқил кишига яхшидур зиндонда сокин бўлғали,  
Ўлтурғонидан ҳамдами дамсоз ўлуб нодон билан.

*Аваз Ўтар*

Эйким, сенга етмушдир улуғлиқ сори ёш,  
Ёшлар била тутма суҳбату қилма маош.  
Гар бу ўгутимни тутмасанг маҳзал бўлиб,  
Ерсан бошингга ёшлар қўлидин тош.

*Мунис*

Кўк гумбаз тагида ўргатувчисиз,  
Барчанинг кўзи кўр, кўрсатувчисиз.  
Кўзи соғлар ташлаб турмаса нигоҳ,  
Кўрлар чоҳга тушиб кетарди ногоҳ.

*Оталар ўғити*

Тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига олим бўлиб, шогирдларига ҳам берган дарсларини амал ила чақиштириб ўргатмаклари лозимдир. Бу равиш таълим ила берилган дарс ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир қилиб, улар илми, одобли бўладилар...

Энг ёмон кишилар илмга амал қилмайдиган кишилардир. Агар тарбия қилувчи муаллим олим бўлиб, амалсиз бўлса, бу шогирдлар ахлоқига ёмон таъсир кўрсатадир...

*Абдулла Авлоший*

Нодон — эшак, балки эшакдан ҳам камроқ. Эшакка ҳар нарса юкласанг кўтарар, қай томон ҳайдасанг ўша томон борар, ақл ва тамиз даъвоси йўқ, бермасанг очдир, берсанг тўқ. Бандидир — юк ташувчи, ўтин-чўп ташувчи, балки ғалла ташувчи. Нодон бу сифатлардан четда, зоти билан либосидан яланғоч. Иши гурур ва такаббур, хаёлида юз бузуқ тасаввур. Ҳар бир мужмал иши ўзига маъқул, барча жирканч қилиги ўзига мақбул, кўнглида кишиларга юз озор хаёли ва жоҳиллигидан халққа минг зарар эҳтимоли. Эшак товушидан қулоққа озордир, ундан бошқа нима айби бордир. Тегирмондан уйингга ун келтирар, уни пишириш учун даладан ўтин келтирар. Машаққати миннатсиз ва қийинчилиги қулфатсиз. Нодонни эшак десанг хафа бўлади, эшакка ёмон ва яхши деганинг баравар.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

## **ЭЛ, ЮРТ, УМР ФАСЛЛАРИ**

Одами эрсанг, демагил одами,  
Оники, йўқ халқ ғамидин ғми.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Одамларсиз яшама, одамлар орасида бўл,  
Одамлар айбини кўрма, ўз айбингни кўр.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,  
Ҳам жонларига мояи дармон бўл.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Қари билганни пари билмас.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ўз гуноҳингни сўраб элдин ўтин,  
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.

*Аибар Отин*

Ватанни шод этиш учун кўп қайгуринг.

*Дилшод Отин*

Яхши одам қариса ҳам, сўзи айнимас,  
Яхши от қариса ҳам, юриши айнимас.

*Ўзбек халқ мақоли*

Хуштур кишига бўлса муқим ўз ватанида.

*Отойи*

Ватан надир, туққан ерим, турғон ерим,  
Ўсиб-унуб, ўйнаб-кулиб юрғон ерим.

*Сидқий Хондайлиқий*

Олам халқи қишлоқ, шаҳарни қўйиб,  
Туриб тоққа чиқса оғир юк чекиб.  
Бузулғай олам, барча қолғай қуруғ,  
Одам боласидан кесилғай уруғ.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Аёлу ватан узра то жони бор  
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,  
Ватан эрур сенга иккинчи она.

*Анбар Отин*

Олим бўлсанг, олам сеники.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ўтар кунлар, ўтар замон,  
Эй Ватаним, бўлма ҳижрон!  
Мен кетсам-да, сен бўл омон!  
Омон — Ватан, Ватан — омон.

*Авлоний*

Кексанинг ёшини сўрама, ишини сўра.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ватан менинг жону таним саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойим, тинч-омоним, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир.

*Фитрат*

Кичикдан — хато,  
Каттадан — ато.

*Ўзбек халқ мақоли*

Одам эрсанг ташқи суратга берма зеб,  
Она юртингга ҳамиша айла зеб.

*Анбар Отин*

Олти яшардан сўрама,  
Олтмиш яшардан сўра.

*Ўзбек халқ мақоли*

Қўбизини сайратган бахшига халқи керак.

*«Қўрқит Ота китоби»дан*

Йигитлик — умр чаманининг баҳоридир ва ҳаёт оқшомининг тонг чоғи. Бу бирдан айш-ишрат гулларининг очилиши, у бирдан завқ ва яйраш уйларининг ёришиши юзага келади.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кетиб зулму ситамнинг зулмати, бўлсун жаҳон равшан.  
Адолат офтоби мамлакатга кўргузуб талъат,  
Очиб ҳар навъи мактаб, эмди ҳимматни қилиб олий,  
Ватанни қилғали обод, лозим айламак ғайрат.

*Аваз Ўтар*

Раият эрур мевалик бир яғоч,  
Сув берсанг анга, мева берур санго.  
Солур мевасину бўлур баргрёз,  
Хазон елидек қилса анга жафо.

*Пошшоҳўжа*

Одамгарчилик (мурувват) кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чекланади. Мардлик (футувват) эса ундан ҳам устун туриб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади.

*Абу Райҳон Ал Беруний*



## **МАРДЛИК, НОМАРДЛИК, ҲУШЁРЛИК, ҒАЙРАТЛИЛИК**

Аллоҳ ғайратли одамни яхши кўради.

*Ҳадиси Шарифдан*

Марди майдон шундай одам бўладики, эртаю кеч душманга зарару, дўстга фойда келтиради.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Ким мард бўлса сўзига,  
Ойдир элнинг кўзига.

*Ўзбек халқ мақоли*

Мард келдинг, мард кетгил, тоқатинг тоқ бўлса ҳам,  
Ўтма номард кўпригидан сув сени оқизса ҳам.

*Оразий*

Номард — ит кабидир, мард буюк дарё,  
Дарё ит дамидин ҳеч мурдор бўлмас.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Номард одам ҳақни қўйиб, ноҳаққа майл этади.

*Оталар ўғити*

Камолот ҳосил қилишдан четланган киши одамларнинг энг кўрқоғидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Мард билан гурунглашган, мард бўлар,  
Номард билан хиринглашган, парт бўлар.

*Ўзбек халқ мақоли*



Ўз нафсингни тия олсанг мардсан,  
Бировдан гина-шикоят қилмасанг мардсан.  
Мардлик йиқилганни тепиш эмас,  
Балки турғиза олсанг шунда мардсан.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Дунёда номард кўпдир, мард қадрини на билур.

*Ҳувайдо*

Мардни мақтамасанг ҳам — мард,  
Номардни мақтасанг ҳам — дард.

*Ўзбек халқ мақоли*

Номард хизматига ёндашма зинҳор.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди.

*Оталар ўғити*

Яхшиликка яхшилик —  
Ҳар кишининг ишидур.  
Ёмонликка яхшилик —  
Мард кишининг ишидур.

*Ўзбек халқ мақоли*



## **ТИЛ, СЎЗ, ҒАРАЗСИЗЛИК, МИННАТ, ХУЛҚ**

Барча бало тилдандир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Эр бойлиги — йўлда,  
Сўз бойлиги — тилда.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ҳар бир иш мулойимлик билан қилинса, рўёбга чиқиши аниқ ва равшандир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Тилга эҳтиёт — элга эҳтиёт.

*Ўзбек халқ мақоли*

Нима дер, эшитгин, тилин қисган эр,  
Эсонликда яшар ўзин босган эр.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Тилингда бўлса болинг,  
Кулиб турар иқболинг.

*Ўзбек халқ мақоли*

Агар тилингни тиймасанг, жilовингни шайтонга бериб қўясан.

*Замахшарий*

Сўз — инсон зийнати,  
Анжом — уй зийнати.

*Ўзбек халқ мақоли*

Сўз ўликни тирилтирур, тирикни ўлдирур.

*Аҳмад Юғнакий*

Тил теша, дил шиша.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ғар сўз ва ёқимли бўлган тил кўнгил бирлан бир бўлса,  
яхшироқ бўлур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Яхши нақл — томири ақл.

*Ўзбек халқ мақоли*

Эшитган ҳар бир нарсани гапиравериш кишини гуноҳқор  
бўлишига кифоя қилади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Айтилган сўз — отилган ўқ.

*Ўзбек халқ мақоли*

Улуғлиғинг ошса хушхулқ бўлғил.

*Маҳмуд Кошғарий*

Тоза сувни ер олар,  
Яхши сўзни эл олар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Эзгу сўз бўлмаса агар ушбу тил,  
Очилган чечак ҳам тез қурийди, бил.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ариқни сув безар,  
Одамни — сўз.

*Ўзбек халқ мақоли*

Қора тош сира ҳам бўлмас ложувард,  
Тоза қалбга юқмас асло чангу гард.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Табиатга ҳар неки одат бўлур,  
Чу эскирди одат табиат бўлур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Яхши хулқдек олий насаб йўқ.

*Ҳадиси Шарифдан*

Гапнинг қисқаси — яхши,  
Қисқасидан хиссаси — яхши.

*Ўзбек халқ мақоли*

Кимнинг хулқ-атвори. феъли яхши бўлса,  
У тилагини топади, ою кун унга кулиб боқади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Тилни боғла дил билан,  
Дилни боғла тил билан.

*Ўзбек халқ мақоли*

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни  
кўмиб ташлайди.

*Аҳмад Юғнакий*

Дуо олган омондур,  
Қарғиш олган ёмондур.

*Ўзбек халқ мақоли*

Аллоҳ таоло наздида тўғри сўздан кўра яхши садақа йўқ.

*Ҳадиси Шарифдан*

Йўл қувган хазинага йўлиқар,  
Сўз қувган — балога.

*Ўзбек халқ мақоли*

Имон билан сўз сўйласин,  
Ва имонга амал қилсин.

*«Авесто»дан*

Тиғ яраси битади,  
Тил яраси битмас.

*Ўзбек халқ мақоли*

Кишида илм билан ҳалимликнинг бирга бўлиши буюк фазилағ.

*Оталар ўғити*

Заҳар тил суякни ёрар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Мол-дунёнинг кўплиги бойлик ҳисобланмайди, балки ҳақиқий бойлик маънавий бойликдир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Севдирган ҳам тил,  
Бездирган ҳам тил.

*Ўзбек халқ мақоли*

Тили ширин одамнинг дўсти кўп бўлади.

*Оталар ўғити*

Ёмон гап — бош қозиғи,  
Яхши гап — жон озиғи.

*Ўзбек халқ мақоли*

Сўздан сўзнинг фарқи бор,  
Ўттиз икки нархи бор.

*Ўзбек халқ мақоли*

Қора бош ёви бу қизил тил турур,  
Неча бош еди у, яна ҳам еюр.  
Бошинг соғлиғи чун тийиб юр тилинг,  
Тилинг истаган кун бошингни еюр.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Чиқармоғул оғиздин қилмас ишни,  
Қилурман дема қўлдин келмас ишни.  
Оғуздин чиқса сўз қайтормағил қош,  
Агарчи кетса ҳам, ул сўз учун бош.

*Сўфи Оллоёр*

Аччиқ савол бериб,  
Ширин жавоб кутма.

*Ўзбек халқ мақоли*

Сўзни бузгон киши бузмасму имон,  
У кимса бирла қилма аҳду паймон.

*Сўфи Оллоёр*

Тили қийнаган эр нима дер эшит,  
Бу сўзга амал қил, ўзинга эш эт:  
«Мени тил азоблар, эгар тик белим,  
Бошимни кесмасдан, кесайин тилим».

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Одам тил орқали бошқа ҳайвондан имтиёз ва ҳам у орқали  
бошқалардан кўра афзалроқ бўлади. Тил бунча шараф билан  
нутқ (сўзлашиш) қуролидир ва ҳам нутқнинг ўзи номақбул  
юзага келса тилнинг офатидир.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ёмон тил ё жонга урар,  
Ё имонга.

*Ўзбек халқ мақоли*

Қилич бошинга келса, айма ёлғон,  
Ўлимдиндур батар чунки уёлғон.

*Сўфи Оллоёр*

Сўз тошта бўлса, ичда маза бўлмас,  
Ичми қуриқ бўлса, анда маза бўлмас,  
Нечалар орзу қилиб баҳра олмас,  
Даъвога маъно олиб юзланмас ул.

*Аҳмад Яссавий*

Майда гап катта ишни ғарқ қилар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ҳар бир кўнгул тил ханжаридан жароҳатланса, юмшоқ сўз  
ва ширин тил унга малҳам бўлади ва роҳат беради.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ҳар кимки рослиқни қилди шиор ўзига,  
Бунёди илан ҳар ниши бўлди жаҳонда маҳкам.

*Пошшоҳўжа*

Этиги ёмон тўр булғар,  
Оғзи ёмон — эл.

*Ўзбек халқ мақоли*

Сўздир бу жаҳон аҳли аро қулзуми жарф,  
Покиза маони ангодур дурри шигарф,  
Бу баҳр топар кўнгул аро гунжойиш,  
Лекин анга ҳар кўнгул бўла олмас зарф.

*Оғаҳий*

Агар ёлғончиликда ўтса отинг,  
Қиёмат кун начук бўлғай уётинг.  
Нажас мурдор эмас ёлғончиликдин,  
Мусулмонларға шарм эт бу қилиғдин.

*Сўфи Оллоёр*

Яхши сўзга учар қушлар эл бўлар,  
Ёмон сўзга пашша қучи фил бўлар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Шариат ҳукми бирла. эй неку рой,  
Ғаҳе чин сўзни ҳам кўнглунгга қил жой.  
Намимани ёмон деди шаҳи дин,  
Сухан чин бўлса ҳам бўлма суханчин.

*Сўфи Оллоёр*

Донаву дур сўзини афсона бил,  
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.  
Жон ўлуб ул, руҳ анинг қолиби,  
Қим танида руҳ, анинг толиби.  
Борча кўнгул дуржи аро жавҳар ул,  
Борча оғиз ҳуққасида гавҳар ул.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Фойдасиз сўзламаса қайси тил,  
Она тил бўлғай ўшал тил, она тил.

*Анбар Отин*

Ширин-ширин сўзласанг,  
Илон инидан чиқар.  
Аччиқ-аччиқ сўзласанг,  
Мусулмон динидан чиқар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Маломат аҳлидин, эй порсо, ҳазар қила кўр,  
Ки ҳусн аҳли қўймас ўз ихтиёри била.  
Кўнгулни олма янгоқингдин узмади ошиқ,  
Агарчи топмади беҳбуд ҳажр нори била.

*Лутфий*

Киши санчиқ сўз айтса сан чиқ ондин,  
Ёмондин қоч, ёмондин қоч, ёмондин.

*Сўфи Оллоёр*

Эй кимса, ҳамиша қилма изҳор тама,  
То қилмасун охир сани хор тама.  
Каж англаб анинг коми дилин гардундин,  
Ҳеч айламагай оқили ҳушёр тама.

*Аваз Ўтар*





## **ИФФАТ, ҲАЁ (КУЛГИ), ВАЪДА, ВАФО, КАМСУҚУМЛИК**

Кўп кулиш кўнгилларни ўлдиради.

*Ҳадиси Шарифдан*

Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат  
ҳаё ила иффатдир.  
Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Ваъда қарз демакдир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Номусдан афзалроқ бўлса агар бош,  
Салламас чимматни ёпингин эй ёш!

*Хожа Самандар Термизий*

Кишиларнинг суқига ишингни берма,  
Вафосиз кишиларга ошингни едирма.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ваъдага вафодорлик иймондандир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Бу чаманнинг гулларида йўқ вафо, эй хўблар,  
Бас, вафо қилмоқ фанимат, ҳусни давронин кўринг.

*Ҳусайн Бойқаро*

Ҳаё имондандир, ҳаё доимо яхшилик келтиради.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ваъдага вафо қилиш мард кишилар иши, улуғ кишиларнинг  
эса чиройли хислатларидан биридир!

*Муҳаммад Ҳусайн*

Қила олгунча таъзим ва одоб биносин йиқма,  
Ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ҳаё, номус имона далилдур,  
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.

*Абдулла Авлоний*

Ростлик, шарму ҳаё ҳамда гўзал хулқ,  
Учаласи бирикса, бу севинч демақдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Карам ва мурувват ато ва анодурлар,  
Вафою ҳаё икки ҳам зод фарзанд.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ор-номуссиз кишининг ўзи гўштсиз сўнгақдир,  
Ор-номуссиз кишининг ўзи битмас мараздир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳаё билан камсуханлик имоннинг икки бўлагидир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Бузуқ деворлардан ташвиш бор, лекин,  
Синиқ кўнгиллардан кўпроқдир ташвиш.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Кишилار орасида етуги уятли кишидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сўзни бузган киши бузмасму имон,  
Улумса бирла қилма аҳду паймон.

*Сўфи Оллоёр*

Агар орадан шарму ҳаё кўтарилса ва киши кишидан уялма-  
са, олам низомига ҳалал етади.

*Кошифий*

Бошинг гардунга етса, бўлмағил зинҳор хурсанд,  
Ўзингни ҳар хасу хошоқдин, эй банда, камтар тут.

*Машраб*

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,  
Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидур.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Кулар юзли хушахлоқ — иккиюзламаликдек нуқсондан бўлмай йироқ, гулшани биҳишт эрур жилвагоҳ ва мақоми фирдавси аълодур таҳаррук ва ороми. Очиқ юзидин халойиққа шодлик ва чучук сўздан халққа хурсандлик. Одамгарчилик билан кўнгилларга сеvimли ва инсонлик билан жонларга ёқимли. Дўст-душман ундан фароғатда, бундай киши ўз умридан баҳраманд бўлсин.

*Низомиддин Мир Алишер Навоӣ*

Ҳасуд этган киши дуну дағалдур,  
Бу бир сўз халқ аро эски масалдур.

*Сўфи Оллоёр*

Иффатингни пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир...  
Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат  
пардаси йиртилмас.

*Абдулла Авлоний*

Ори бўлмаган йигитдан номусли қиз яхши.

*Ўзбек халқ мақоли*

Тутай десанг яхшилар йўлин,  
Ваъда қилсанг айлагин вафо!  
Ваъда қарздир ҳар инсон учун  
Фарздир қарзни айламоқ адо!

*Муҳаммад Зеҳний*

Керак эрман деганни ваъдаси туз,  
Агар туз бўлмаса андин кўнгул уз.

*Сўфи Оллоёр*

Жон берганга жой бер,  
Жой берганга жон бер.

*Ўзбек халқ мақоли*

Кел, эй инсон, агар бўлсанг чин эрдек,  
Оғирлик пеша қил дунёда ердек.

*Сўфи Оллоёр*

## **ТЎҒРИЛИК, ЭҒРИЛИК, ЯХШИЛИК, ЁМОНЛИК**

Мўмин киши бировнинг ҳақиғига хиёнат қилмайди.

*Ҳадиси Шарифдан*

Яхшиликка интилиш муруватлиликнинг, олижанобликнинг ўсгани сари кучаяверади ва яхшилик жамики одамларга... яхшилик қилишдан иборатдир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,  
Етар яхшилиқдин анга яхшилиқ.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Яхши феъл билан кишилар кўнглини олиб, ўзингни ёмон қилиқлардан сақлаб яша.

*Аҳмад Юғнакий*

Миннат — силтовлар билан қилинган ҳотамлик ортиғи билан ёққан ёмғирдек бўлса-да, унда яхшилик бўлмайди.

*Замахшарий*

Ёмон ё яхшилик қилғай ҳар киши,  
Шу ёмон, яхшини топмоқдир иши.

*Абу Али Ибн Сино*

Кимда ким ёмонлик кўруб, яхшилик қилса,  
Эй эзгу киши, мен сени орзу қиламан.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ёмон йўлдош бўлмас,  
Йўлдош бўлса ҳам, сирдош бўлмас.

*Ўзбек халқ мақоли*

Қозининг пора олиши динсизликдир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Бошқаларга зиён истама, ўзинг ҳам зиён кўрма,  
Фақат яхшилиқ қил, ҳавас ва орзуни билгин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Қил яхшилиғу, демакни доҳил қилма,  
Миннат била яхшилиқни ботил қилма.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Тарих яхшини ҳам ёзади, ёмонни ҳам.

*Оталар ўғити*

Ёйни эғру кўриб, тўғрилигидан  
Ўқ ундан қанчалиқ қочганига боқ.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Ҳақиқатни билиш учун аввал ўз руҳингни кўпчилик киши-ларни йўлдан оздирувчи (ёмон) хусусиятлардан ва одамни ҳақиқат олдида кўр қилиб қўювчи сабаблардан, яъни одат бўлиб қолган кўникмалар, ҳавас, рақобат, ҳирсга бўйсуниб, ҳокимлик учун кураш ва шу кабилардан тозалаб олишинг лозим.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Тоғ арқон билан эгилмаганидек, денгиз ҳам қайиқ билан беркитилмайди.

*Маҳмуд Кошғарий*

Агар тўғри бўлсанг, туғар бахт кунинг,  
Омон бўл, саодат сари қил жадал.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Тўғри йўлдан атайлаб энг узоқ йўлга ўтиш жуда зўр хатодир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Хатолар қилишда авворалардир,  
Хато — алар тушган аробалардир.

*Замахшарий*

Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бормайди.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Оғочким аввалида эгри битса,  
Ани ўт бўлмаса, бўлмаз туз этса.

*Қутб Хоразмий*

Ҳамиша яхшилиқ қилгил, кетарсен ушбу дунёдин,  
Қиёмат обрўйига керак хуни жигар қилсанг.

*Аҳмад Яссавий*

Киши аслини билмоқ эрсанг аниқ,  
Кўнгил, тил ва хулқи бу ишга таниқ.  
Феъли эзгу бўлса, тили, кўнгли соф,  
Теги аслига бу гувоҳдир аниқ.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кўнглим оппоқ, на кек ва на кинам бор,  
Душманам кўп, лекин мен ҳаммага ёр.  
Мевали дарахтман, ҳар бир ўткинчи  
Тош отиб ўтса ҳам менга қилмас қор.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Яхшилиқни эрдан сўра,  
Эр билмаса, элдан сўра.

*Ўзбек халқ мақоли*

Безори билан муттаҳамларда турмуш ва ҳислат мусулмонлардек эмас. Инсонлик табиатларидан кўтарилган, ҳайвонлик, балки йиртқичлик уларнинг қилиғидир. Безорининг иши пичоқ уриш бўлгач, ўзи телба ит, пичоқ эса унинг тиши бўлур. Соғлиғида кўтир ит, мастлиғида қочади ундан юз ит. Панжаларининг учи ажал чангаги, ўзи худди дашт йиртқичи. Ўлдирар кун учун имон калимасидек ўрганиб рубойи. Яхши ва ёмонни сўқади, ҳар нимага етса чиёндек чақади. Уларда на ақл бор, на дин, на ҳаё бор, на вазминлик. Ишлари ишонмовчилик ва нопоклик, ўрганишлари бемурувватлик ва ҳеч нарсадан қайтмаслик.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

## ЧИН, ЁЛГОН, СУКУТ, ТИЛНИ ТИЙМОҚ

Ростгўйликда хавфу хатар кўрсанглар ҳам, рост сўзланглар.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ёлгон сўз бедаво дард бўлур, тўғри сўз шифодур.

*Аҳмад Юғнакий*

Бефойда сўзни кўп айтма,  
Чин айта олур тилни ёлгонга булғама.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кўп сўзлаб киши доно бўлмайди,  
Кўп эшитиб, доно барчага бош бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.

*Аҳмад Юғнакий*

Айтгур сўзни айт,  
Айтмас сўздин қайт.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Одамига тажриба доя этар,  
Ростлик эр ўғлина моя этар.

*Ҳайдар Хоразмий*

Мард бўлсанг, ўз сўзингни қилма кўп безътибор.

*Оразий*

Оғиз ва тилнинг беаги тўғри сўздир,  
Тўғри сўзла, тилингни беа.

*Аҳмад Юғнакий*

Сўзда керак маъною маънида завқ,  
Сўзлагувчида сўз учун дарду шавқ.

*Ҳайдар Хоразмий*

Икки нарса фойдасиз: ҳикматсиз сўз ва тафаккурсиз сукут.

*Оталар ўғити*

Ҳам сўз ила элга ўлимдин нажот,  
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан нажот.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Қўлингдан келмаган нарсани тилингга келтирма.

*Оталар ўғити*

Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,  
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кўпайган сўзни бўлғай тўғриси оз,  
Шакарнинг кўпидин ози бўлур сөз.

*Абдулла Авлоний*

Сўзни кўнгулда пишқармагунча тилга келтирма,  
Ва ҳарнеки кўнгулда бор — тилга сурма.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ҳар сўзки кўнгулдин ўлди мавжуд,  
Хат бўлмаса бўлғай эрди нобуд.

*Муиис*

Сўз борки, тингловчи танига жон киритади,  
Сўз борки, айтувчи бошини ерга беради.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Лозим сизга билув ҳар тилни она тилдек,  
Билмакка они ғайрат эгинг, фойдаси кондир.

*Аваз Утар ўғли*

Заковат кўрки сўздур, бу тилнинг кўрки сўздур,  
Кишининг кўрки юздур, бу юзнинг кўрки кўздур.

*Юсуф Хос Ҳожиб*



Ҳар бир кишининг сўзи ақлига яраша бўлади.

*Оталар ўғити*

Танга озукдур ҳамиша тўғри лафз,  
Миллату тилга хиёнат ўғри лафз.

*Анбар Отин*

Киши бўлмаса маънидин хабардор,  
Ани дема одам, де нақши девор...

*Хувайдо*

Қўп демак сўзга гурурлик,  
Қўп емак нафсага маъмурлик.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Тил кескир қилич, сўз эса қайтариб бўлмас ўқдир.

*Оталар ўғити*

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Киши икки нарса туфайли қаримайди,  
Бирин — эзгу хулқи, бирин — эзгу сўзи.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бу айланиб турувчи гумбаз(таги)да яхши сўз садосидан  
ёқимлироқ бирор ёдгорлик топмадим.

*Абдураззоқ Самарқандий*



## **ҲУҚУҚ, ҚАДР, ИЗЗАТ, ҲУРМАТ, ОБРЎ, АМАЛ, УЛУҒЛИК**

Ўз ҳаққини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган одамнинг  
ўлими яхши ўлимдир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Обрў мисқоллаб келади, қадоқлаб кетади.

*Ўзбек халқ мақоли*

Давлат учун кўнгилни зор этма,

Иззат учун ўзингни хор этма.

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур*

Қадрли нарсанинг қадри қўлдан кетгач билинади.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ҳақиқий дўстунг ёрингдур улким,

Қўлинг тутса оёқдин тушганинда.

*Сайфи Саройи*

Амир бўлса таъмагир, на товук қолур, на кулонкир.

*Ўзбек халқ мақоли*

Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат  
қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз  
ўзи интилаётган сўнги даражадаги бахт-саодатга эришади.

*Абу Наср Фаробий*

Эл қадрини билмаган,

Ўз қадрини билмас.

*Ўзбек халқ мақоли*

Қадринг қочган жойдан қоч.

*Ўзбек халқ мақоли*

Қорнимга йиғламайман,

Қадримга йиғлайман.

*Ўзбек халқ мақоли*

## **ЧИДАМ, САБОТ, ҚАНОАТ**

Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Қилар бўлсанг ишни чамалаб, ўйлаб қил,  
Ҳар иш келса сенга сабру тоқат билан қил.

*Аҳмад Юғнакий*

Қаноат туганмас хазинадир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Киши сабр қилса, ўз тилагини топади,  
Сабр қилиб тургувчи оқ қушни тутати.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сабр — аччиқ, меваси — ширин.

*Ўзбек халқ мақоли*

Кимики шошилмай, сабр, қаноат билан иш қилса, қилган  
иши тўғри чиқади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Сабр қилсанг агар сабрдан бешак,  
Давлатинг кўпаяр бунга қилма шак.

*Низомий Ганжавий*

Тоқатлига тоғлар эгар бошини,  
Бетоқатнинг итлар еяр лошини.

*Ўзбек халқ мақоли*

Яхшидур қониъу қашшоқу ғани тамаъидин,  
Тутти бу важҳдин оини қаноат шуаро.

*Комил Хоразмий*

Сабр била боғлиқ иш очилур,  
Ишда ошиққан кўп тойилур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Сабр била топқасен охир мурод,  
Ғам еган одам бўлур, албатта шод.

*Дурбек*

Қаноат қил, эй нафс, андакка ҳам,  
Ки келтургуси ҳирс бешак алам.

*Алмаий*

Сабр-бардош — Аллоҳдан, шошқалоқлик шайтондан.

*Ҳадиси Шарифдан*

Одоб билан бахт топилар,  
Сабр билан — тахт.

*Ўзбек халқ мақоли*

Сабр шундай бир кучли нарсадирки, ғазабни шижоатга,  
шиддатни ҳалимга, катталикни тавозеъга, ёмонликни  
яхшиликка айлантирмакликка қуввати етар.

*Абдулла Авлоний*

Камоли имон — сабр.

*Ўзбек халқ мақоли*

Дин уйини ғорат қилиб, адо қилғай,  
Оқил эрсанг, нафси баддин бўлғил безор.

*Аҳмад Яссавий*

Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,  
Кишининг миннатидин улдур осон.

*Сўфи Оллоёр*

Одамийға сабру қаноат керак,  
Сидку иродат ила тоат керак.

*Саид Қосимий*

Салобатли бўлма, саботли бўл.

*Ўзбек халқ мақоли*

Асл бойлик — қаноат.

*Ўзбек халқ мақоли*

## **КАМТАРЛИК, МАНМАНЛИК, САҲИЙЛИК, ОЧКЎЗЛИК, ТАЪМАГИРЛИК**

Таъмагирлик уламолар қалбидаги ҳикматни ҳам кетказади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Кимда ким манман деб, ўзини баланд тутса, уни на халқ,  
на тангри севади.

*Аҳмад Юғнакий*

Кучига ишониб кибрланган эр,  
Сиёсатига хатто учмас чивин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳар ким ўз қилмишидан топар,  
Ҳар кимнинг амали ўз оёғидан.

*Ўзбек халқ мақоли*

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Одам ўлғон зеби зоҳирдин эмас,  
Кимки андин фаҳр этар, одам эмас.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Қор қанча қалин ёққани билан ёзга етмайди.

*“Кўрқит Ота китоби”дан*

Такаббурлик калтабинлар ва инсонийлик тариқидан  
чиққанларнинг хислатидир.

*Кошифий*

Ўтганлардан ибрат ол,  
Келажакка ибрат бўл.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ўзига берилган ақлсиз тентақдир. Ўзини безаган хушрўй сагангдир.  
Ўзини тортган — панд еган, мағрурланган — лаънат остида қолган.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Қайда кўрсанг кўнгли синуғ марҳам бўлғил,  
Андоқ мардум йўлда қолса, ҳамдам бўлғил.

*Аҳмад Яссавий*

Мўмин кишида қуйидаги икки хислат бўлмаслиги керак:  
бахиллик ва ахлоқсизлик.

*Ҳадиси Шарифдан*

Такаббурлик — шайтон иши, катталиқ — нодон иши.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Таккабур қилмағил эй бемаоний,  
Фалонни ўғлидурмен деб фалоний.

*Сўфи Оллоёр*

Бировки тамаъ риштае қилғуси,  
Унинг бирла бўғзидан осилғуси.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ёмонликка отланма,  
Тилдан чиқар эзгу сўз.

*Маҳмуд Қошғарий*

Нафъинг агар халққа бешак дурур,  
Билки бу нафъ ўзингга кўпрак дурур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Чайқовчи — овчи ити.

*Замахшарий*

Ошиқмағил, сабр керак киши ошина.

*Лутфий*

Яхшилик қила олмасанг,  
Бори ёмонлик ҳам қилма.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Таъма қилган одам қул бўлади қул,  
Унинг озодлиги ўлим билан, бил.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

## **НАСИҲАТ, МАСЛАҲАТ, КЕНГАШ, ҲИММАТ, ҲАДЯ**

Уйларига меҳмон қўнмайдиган кишилар ёмон одамлардир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олиб, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эрдим.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Носиҳи содиқ эрурки беғараз,  
Бил анга оламда топилмас эваз.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Бахил мезбон меҳмонни ўғри кўрар,  
Берганини миннат қилиб юзга урар.

*Маҳмуд Қошғарий*

Меҳмони йўқ қора уйдан дала-туз яхши.

*“Қўрқит Ота китоби”дан*

Ётни ёрлақагин ва емиш бергин,  
Мусофирни эзгу тутгин, эй билагон доно.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Меҳмонли уй баракали уй.

Меҳмонсиз уй суви қуриган тегирмонга ўхшайди.

*Оталар ўғити*

Меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутилмайди.

*Ҳадиси Шарифдан*

Теран фикрни доим кексалардан қидиргин, баҳор сувлари кузда мусаффолик топади.

*Ҳожа Самандар Термизий*

Кишиларнинг қадрлиси саховатли кишидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Халқнинг етуги сахий кишидир, сахийлик шараф келтиради.

*Аҳмад Юғнакий*

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,

Эрур одам аҳли аро аржуманд.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кишига ҳиммати мардона керак.

*Нодира бегим*

Ичириб элга қошиқ бирла шўрба,

Чўмич сопи билан кўзини чиқарма.

*Сайфи Саройи*

Ҳимматсиз киши эр сонида эмас,

Ва руҳсиз киши тирик демас.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Қарамсиз киши мевасиз дарахтдир, мевасиз ёғочни кесиб  
ёндиргин.

*Аҳмад Юғнакий*

Сахий кишининг таоми шифодир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Меҳрибон ва раҳмдил бўлмоқ умрнинг ва ризқнинг  
баракали бўлишига олиб келади.

*Кошифий*

Одамлар билан муросяю мадорага киришиш ҳам садақа  
ҳисобланади.

*Ҳадиси Шарифдан*





## СОҒЛИҚ, МЎЪТАДИЛЛИК, НАФСНИ ТИЙИШ

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,  
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Аблаҳ одам аблаҳи шундай одам,  
Доимо нафс кўйида урғай қадам!

*Фаридиддин Аттор*

Икки нарса кўнгилни фасодга элтур: бири — тўла ейиш,  
бири — тўла уйқуламоқ.

*Рушдий*

Десангки таомим зое бўлмағай, едур,  
Ва тиласангки, либосим эскирмағай, кийдур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Гарчи зоҳирин тўғридиндур нафс,  
Жаълинг уйида ўғридиндур нафс.  
Нафс тавсанини ром қил ўзингга,  
Қодир ул ҳар ва сўз десанг сўзингга.

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур*

Ема зарра ҳаром оғушта нондин,  
Бўлур гоҳи нажас бир қатра қондин.

*Сўфи Оллоёр*

Аждаҳо билан уруш қилган киши полвон эмас,  
Полвон улдурки, голиб бўлса, ким ўз нафсига.

*Пошшоҳўжа*

Нафс ёғисин мағлуб этгил,  
Ишларингни борини хўб этгил.

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур*

Тамоққа эҳтиёт бўлинса, умрга фойдалидир,  
Овқатни оз ейилса, бу оғизга лаззатлидир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Тўграб еган гўшт яхши,  
Чанқаб ичган сув яхши.

*«Кўрқит Ота китоби»дан*

Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма, хазар қил.  
Бу икки нарса гадолик тўннини кийдиради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бадмастқа дамодам ичмоғидан не баҳр,  
Ки одамийлик қатлига ичар қадаҳ-қадаҳ заҳр.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ўлим касалликнинг натижасидир, касаллик қоннинг  
бузилиши, сафро, қора сафро ва шиллиқ кўпайиши  
натижасида пайдо бўлади. Бу тўрт унсурнинг ҳолати эса  
овқатланишга боғлиқдир, овқатланиш ўсимликка боғлиқ.

*Абу Наср Фаробий*

Ичимлик ичма, эй майпараст, бўғзининг қули,  
Май ичсанг, сенга гадолик йўли очилади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Сиҳат тиласанг кўп ема,  
Иззат тиласанг кўп дема.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Соғлом бўлмаган киши шеър ёзолмайди.

*Мискин*

Кишининг ўз нафсидан қочиши шердан қочгандан фойдали.

*Оталар ўғити*

Ҳасад балосен улкан фасоллар пайдо қилур. Чунки ҳасад  
бағоят жирканч мислатдир.

*Кошифий*

Ҳар киши нокас билан ҳамкосадур,  
Минг шарофатни касофат босадур.

*Маишраб*

Бошқалардин ўзини баланд тутган одамга бахт кулиб  
боқмайди.

*«Қўрқит Ота китоби»дан*

Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,  
Ким улфатдур, боши узра юз минг кулфат.

*Аҳмад Яссавий*

Хорликлар боши тамаъ билгил,  
Доимо аззаман қанаъ билгил.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ёмонликнинг шахобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси  
тамаъ, ғазаб ва илмсизликдир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Кишидаги энг ёмон хислат ўта баҳилликдир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Тамаъси кўпнинг, инсофи оз бўлар.

*Оталар ўғити*

Иzzат бермас, нақду дирам борлиги,  
Ким бўлди тамаъдин кишининг хорлиги.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кимки ҳасад ўтин ёқса жаҳонда,  
Бу ўт унинг ўзин қўймас омонда!

*Ҳожа Самандар Термизий*

Ҳасиснинг нонига узатгандан қўл,  
Филларнинг остида ўлган кўп маъқул.

*Низомий Ганжавий*

## **ОМОНАТ, ТУХМАТ, ГИЙБАТ, ХИЁНАТ**

Қизил тил сени қисқа ёшли қилади.  
Эсон бўлай десанг, сен уни маҳкам боғла.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агарчи тил сақламоқ кўнгулга оғирдур, аммо  
Сўзни сочиб юбормоқ бошга офатдур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Дўстим деб ишониб, сир айтма, эҳтиёт бўл.

*Аҳмад Юғнакий*

Яхшиликка йўйиш мумкин бўлган бир сўзни ёмонликка  
йўйишнинг ўзи ёмонликдир.

*Оталар ўғити*

Икки кишининг бирга ўтириб қилган сўхбатидаги гаплари  
омонатдур. Сўхбатдошининг сирини фош қилиш ҳаромдир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Аралашдингми, фитна кўтаради, кўр,  
Бири — гийбатчи, чақимчилик қилувчи.  
Бири — иккиюзлама киши, тамагир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Гийбат — биродаринг ёқтирмайдиган сўзлар билан у  
тўғрида гапиришдир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Яхши одамнинг гийбатчилари кўп бўлади.

*Оталар ўғити*

Тузлик эрмас шифосию мояси ҳам,  
Ким эгри кишининг эGRIDур сояси ҳам.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Энг зўр тухматга лойиқ одам шундак одамки, у ўзини танийдиган одамлар орасида ўзини таъриф этади.

*Оталар ўғити*

Қаерда хиёнат оёққа турса,  
Ўша ердан диёнат йироқлашади.  
Хиёнаткор қаерга қўл урса,  
Денгизни шимиради, ерни қуритади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кетар бировдин инсофу диёнат,  
Кеча-кундуз бўлур фикри хиёнат.

*Хувайдо*

Омонатга хиёнат қилувчида иймон йўқ, аҳдида турмайдиганларда диёнат йўқ.

*Ҳадиси Шарифдан*



## **АХЛОҚ, ОДОБ, ИНСОФ, ИЙМОН, АДОЛАТ**

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат ибодатдан афзал.

*Соҳибқирон Амир Темури*

Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан ас-райди.

*Ҳадиси Шарифдан*

Адолат инсон хатти-ҳаракатининг энг яхши беагидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Одобли ўғил — кўкдаги юлдуз,

Одобли қиз — ёқадаги қундуз.

*Ўзбек халқ мақоли*

Кимки гайридинни ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан урилади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Икки нарсани киши ўзидан қувиши қийин: бири — соя, иккинчиси — бадфеъллик

*Хиромий*

Шунча кўп кўринди ўз айбимки, мен,

Ўзгалар айбини унутдим тугал.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Одамларнинг энг ёмони ўз аҳли аёлига бахиллик ва қизғончиқлик қиладиганидир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Сўз кишининг ўзаги,

Одоб кишининг беаги.

*Ўзбек халқ мақоли*

Адолат натижасида юрт обод, эл фаровон, хазина мўл, шаҳару қишлоқлар яшнайти.

*Кошифий*

Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб билан топилади.

*Зеҳний*

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,  
Паст этар у хайлни чархи баланд.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

— Одоби билан одобсизнинг ўртасидаги фарқ қандай? — деб сўрадилар.

— Гапирадиган ҳайвон билан гапирмайдиган ҳайвон орасидаги фарқ каби,— деб жавоб берди Букрот.

*«Фавоқиҳ ал-жуласо»дан*

Инсон — одоби билан,  
Осмон — офтоби билан.

*Ўзбек халқ мақоли*

Агар одам эсанг, сайр эт бу гулшанда адаб бирла,  
Қадам ҳар сори қўй мулсифатким гову ҳар густоҳ.

*Оғаҳий*

Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади,  
Хулқи тўғри бўлган киши тўрга чиқади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва бу баракотдан умрбод баҳраманд бўлади.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Бир катгани бил,  
Бир кичикни бил.

*Ўзбек халқ мақоли*

Адолатдин ўлди эл осойиши,  
Эл осойиши — мулк оройиши.

*Мунис*

Зиён берадиган ҳақ суюнтирадиган ноҳақликдан афзал.

*Оталар ўғити*

Озор ила неча гуфтуғу қилгайсиз,  
Озурда бўлурни жустужу қилгайсиз.

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур*

Ақл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила олам элини шод қил.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Аллоҳ ғам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст тутади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Отанг боласи бўлма,  
Одам боласи бўл.

*Ўзбек халқ мақоли*

Зулм бўлгон ўлкада қолмайди файз,  
Тонггача кун нуридин олмайди файз.

*Анбар Отин*

Ҳаромга аралашма ва зўравонлик қилма,  
Ўзгалар қонини тўкма, хусумат ва ғараз қилма.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Мойили зулм этма кўзинг турқини,  
Йўқса қилур мардум уйини хароб.

*Нодира бегим*

Одобнинг боши — тил.

*Ўзбек халқ мақоли*

Тилингни тиёлсанг омондур бошинг,  
Сўзингни қисқа қилсанг узайди ёшинг.

*Юсуф Хос Ҳожиб*



Вале барча чин ҳам дегулик эмас,  
Хирадманд чин сўздин ўзга демас.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Тўғри бўл, тўғри иш қил, тўғри деб ном чиқар,  
Халойиқ сени тўғри деб атасин.

*Аҳмад Юғнакий*

Қаттиғ яшир сиринг киши билмасун,  
Сўзинг ўзингга пушаймонлик келтирмасун.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Жоҳил кексадан ақлли ёш яхши.

*Оталар ўғити*

Жоҳилда жаҳлу оқилда ақл,  
Жоҳил жудо қилур, оқил аҳил.

*Ўзбек халқ мақоли*

Сўзи ҳисобсиз — ўзи бошвоқсиз.

Сўзида паришонлик — ўзида пушаймонлик.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Узатма мунча ҳам, Бобур, сўзунгни,  
Бу сўзлар бирла хор этма ўзунгни.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Тутуб соҳиб суханлар, эй халойиқ,  
Сўз айтур ҳар ким ўз ҳолига лойиқ.

*Собир Сайқалий*

Ғазабнинг аввали жиннилик, охири надоматдир.

*Абдулла Авлоний*

Ёлғончи бўлиб яшагандан, умр сурмаган яхши.

*«Қўрқит Ота китоби»дан*

Ёлғон сўз ила итоб этарсен,  
Юз қаҳр бирла хитоб этарсен.  
Гар ялғони бўлса зоҳир, эй дўст,  
Шарманда бўлурсен охир, эй дўст.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Қардошинг эмас улки қўйиб бош сенга,  
Давлат чоғи қилгай ўзни қўлдош сенга.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Фанларнинг фойдаси улар ёрдамида олтин ва кумушларни қўлга киритиш эмас, балки улар туфайли зарур нарсаларга эришишдир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Ҳисобсиз мол йиққан билан одам саҳий бўла олмайди.

*«Кўрқит Ота китоби»дан*

Эшитиб ота-онанинг  
Сўзларини қадрла,  
Могу мулкинг кўнайса,  
Мағрурланиб қутурма.

*Маҳмуд Қошғарий*

Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар,  
Бефаҳм кишилар ўзни йўқотар!

*Низомий Гапжавий*

Пулу молга бўлган ташналик сувга бўлган ташналиқдан  
кўра даҳшатлидир.

*Муҳаммад Зеҳний*

Ғариб дарвишни зинҳор кўрмагил хор,  
Ким анинг ҳам еринда иззати бор.

*Қутб Хоразмий*

Халол ризқ исташ ҳар бир мусулмон учун вожибдур.

*Ҳадиси Шарифдан*

Беқайд мену хароби сиз эрмасмен,  
Ҳам мол йиғиштурар лаим эрмасмен.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Мўмин киши бировни ҳақиқа хиёнат қилмайди.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоғни хаёл,  
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Одамлар орасида чақимчилик ва бўҳтон гапларни тарқатишдан сақланинг.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ўзинг қайси ишни қилмоқчи бўлсанг,  
Аввал сўзинг, кўнглинг билан кенгашгин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Иш бошлашда ҳовлиқмай, диққатла боқ  
Чақмоқтошни шошиб чақсанг ўчар чироқ.

*Маҳмуд Кошғарий*

Ишда ошиққон кўп тойилур,  
Кўп тойилган кўп йиқилур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Мўмин кишининг яхши нияти қилган амалидан ҳам афзал-  
дир.

*Ҳадиси Шарифдан*



Йўқ ҳунари ёлғуз эса юз киши,  
Қайда киши сонида ёлғуз киши.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кўп кўнгулни бу чаманга боғлама эй андалиб,  
Ким, гули мақсуд ҳаргиз очмади гулзори даҳр.

*Хусайн Бойқаро*

Ёв томондан бирон киши ўз жонига омонлик тилаб келса,  
уни ўлдирмангиз.

*Ҳадиси Шарифдан*

Киши меҳнатини менсимас инсон,  
Киши ҳисобланмас, аталар ҳайвон.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Жонли мавжудотнинг барчаси, шу жумладан инсоннинг ўзи  
ҳам, табиий равишда пайдо бўлган ва у табиатнинг  
ривожланиши ва ўзгаришининг натижаси ҳисобланади.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

То бани одам ила олам эрур,  
Олам ичида бани одам эрур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Инсон баъзан мумкин бўлмаган нарсани ҳам қилгиси  
келади, масалан, абадий бўлгиси келади.

*Абу Наср Фаробий*

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,  
Яхшироқ ондинки биров берса ганж.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Инсон ўз суратини ўзгартиришдан ожиз бўлса ҳам, тилсиз  
ҳайвондан орқада қолишни истамаса, нафсни тозалашдан ожиз  
бўлмайди.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Ҳар дам чекибон минг машаққат,  
Кун дема ўтган кунингни тундур.

*Баёний*

Оз иш учун банду итоб айлама,  
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Бола — азиз, одоби ундан азиз.

*Ўзбек халқ мақоли*

Сенга ким етурса бу янглиғ зарар,  
Бўлур ул ҳам албатта сендин баттар.

*Хиромий*

Ҳар кимки бир кўнгли бузуғни хотирин шод айлағай,  
Онча борки Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Одамларга кенг қалбли бўлинглар.

*Ҳадиси Шарифдан*

Адоват қилур барча миллатни йўқ,  
Адоват қилур меҳру шафқатни йўқ.  
Адоват қилур барчани хору зор,  
Адоват қилур элни безътибор.

*Сидқий Хондойлиқий*

Тинч кўнгул бирла қатиқсиз умоч,  
Беҳки биров миннати билан кумоч.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кўшни билан яхши муносабатда бўлинглар.

*Ҳадиси Шарифдан*

Бир калима ширин сўз қилични қинга киритади.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Кетган молга ачинма,  
Унга озроқ ўкингил.

*Маҳмуд Кошғарий*

Улуғликка етишсанг — янглишма, атлас кийсанг, бўз  
кўйлагингни унутма.

*Аҳмад Юғнакий*

Ҳар кимки сўзи ёлғон, ёлғони зоҳир бўлғоч у ёлғон.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Эгри дарахтнинг сояси ҳам эгри бўлади.

*Оталар ўғити*

Ёнмағил айтгон ҳадисингдин,

Тонмағил айтгон ҳадисингдин.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Бўлма ўтуз олиб оғир сотқучи,

Унга кепак, сиркага су қотқучи.

*Ҳайдар Хоразмий*

Ўзларида кашф-ихтиро қуввати бўлмаган кишилар макр-ҳийла ва найрангбозлик санъати бўйича ўзларига очиқ-ойдин маълум бўлмаган турли жинсларни ёқлайдилар ва шу жинсларга ёрдам бериб, турли таълимотларга қарши оёққа турадилар.

*Абу Наср Фаробий*



## **ГЎЗАЛЛИК, ЭЗГУЛИК, ҲАЛОЛЛИК, РИЗҚ, МЕҲНАТ, БАХТ**

Ҳаром билан ўсиб унган ҳар бир тан дўзахга лойиқдир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Кишининг кўнгли келишган ва тартибли ҳар нарсага қизиқади, тартибсиз нарсалардан нафратланади.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Нодонликнинг ҳам, касалликнинг ҳам сабаби — бекорчилик.

*Абу Али Ибн Сино*

Киши чиройига ички дунёси эшидр,  
Юз кўрки билан унинг феъл-атвори тенгдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Узр сўраб келса душманинг ҳар чоқ,  
Уйингдан қувлама, ҳушёр бўл бироқ.

*Низомий Ганжавий*

Ҳаракат бирон эҳтиёт ва зарурат учун содир бўлади, чарчаш заруратдан кейин келади, демак, чарчаш ҳаракат нағижасидир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Бўлур аблаҳ айни иш вақтинда гофил.

*Қутб Хоразмий*

Навосиз улуснинг наво бахши бўл,  
Навоний ёмон бўлса, сен яхши бўл.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Гуноҳкор кишининг гуноҳини кечир, адоват илдизини кес ва кўпориб ташла.

*Аҳмад Юғнакий*

Кечира олишлик мардлик, кечира билмаслик номардлик.

*Соҳибқирон Амир Темур*

## **ТЕЖАМКОРЛИК, ИСРОФ, ЖАҲЛ, ПУШАЙМОН**

Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлғай,  
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кимики ўз жаҳлу ғазабини қайтарса, Аллоҳ Таоло ундан ўз азобини қайтаради.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ҳисобини билмаган ҳамёнидан ажрайди.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ғазаб шундай бир оловки, у ўз соҳибини ёндиради.

*Оталар ўғити*

Фурқат бошингга тушмайин вуслатни қадрин билмадинг,  
Ранж ила меҳнат чекмайин роҳатни қадрин билмадинг.

*Аваз Ўтар ўғли*

Жаҳл келганда ақл қочади.

*Ўзбек халқ мақоли*

Кишининг бемаъни гаплардан тилини тийиши — унинг мусулмонлиги нақадар чиройли эканлигидан дарак беради.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ўзинг бу дунёда бойлик истасанг,  
Тўғри бўл, сўзларингни тўғри тут.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кейинги пушаймон, ўзингга душман.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ақл эгалари, виждон соҳиблари ҳар вақт кўрган, қилган ва билганларининг ҳақиқатини ва тўғрисини сўзлайдилар.

*Абдулла Авлоний*



Дастурхонга тўкилган таом ва ушоқларни териб ейдиган одамнинг гуноҳлари тўкилади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Оқибатуламур бўлур ҳақ зуҳур,  
Меҳнат уғуб бўлгуси фасли сурур.

*Дурбек*

Машаққатсиз ҳаёт йўқ бунда асло,  
Эзгуликни кўрмасдан умр битар.

*Махмуд Қошғарий*

Бу дунёда шундай йўл тутки, кийгани кийиминг ва егани овқатинг ҳалолдан бўлсин!

*Оталар ўғити*

Ет оғотоби — қишга дори,  
Меҳнат саломатлик гарови.

*Мискин*

Зафрат била топқонингни ўзингдин аяма ва меҳнат била йиққанингни дўстлар билан душманлар учун асрама.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кини ўз меҳнат ва машаққат чекишлари жараёнида гарчи у инсонларнинг энг ақллиси ва энг зийраги бўлса ҳам, хамиша шоду хурсандликни орзу қилиб, севинч келтирадиган нарсаларга мойил бўлади ва ёлгон кўриладиган нарсалардан тортинади.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Давлатқа етиб меҳнат элини унутма,  
Бу беш кун учун ўзунгни асру унутма.

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур*

Инсон гуноҳ ва хато қилиши мумкинدير,  
Гуноҳ ва хатони тушуниб тузатган саодатли одамдир.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Зўр бирла хушбахтлик ҳосил бўлмас.

*Сидқий Хондайлиқий*

Дангасалик ҳар вақт инсонни хор қилур.

*Абдулла Авлоний*

Бўлса танбаллик кишининг пешаси,  
Теккай оёғина хорлик тешаси!

*Фаридиддин Аттор*

Кўрклик тўнинг ўзинга,  
Тотлиғ ошинг ўзинга.  
Қўноққа кўргиз иззат,  
Ёйсин шаънинг узоққа.

*Маҳмуд Кошғарий*

Тинч бўлай десанг, нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.

*Оталар ўғити*

Дилозорларнинг ҳаммаси дўзахга маҳқумдир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Инсон ҳар доим қувноқ, хушчақчақ бўлиши ва бахтиёр  
яшамоғи лозим.

*Абу Наср Фаробий*

Боқмас жаҳон совуқ сўз,  
Шилқим, юзсиз бахилга,  
Ёқимли бўл, хушхулқ бўл,  
Қолсин номинг кўп йилга.

*Маҳмуд Кошғарий*

Кимики одамлар орасини бузиб юрувчи бўлса, у ҳам аҳли  
исломдан эмас.

*Ҳадиси Шарифдан*

Нафс душмандурур яқин билгил,  
Дўстум бу сўзумни чин билгил.

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур*

Кимики кўзи ожиз одамни қирқ қадам етаклаган бўлса,  
унинг жаннатга кириши муқаррардир.

*Ҳадиси Шарифдан*

## **КОМИЛЛИК — ЕТИШИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД МАҚСАДИ**

Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир.

*Абдулла Авлоний*

Маърифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир.

*Ислом Каримов*

Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар.

*Ҳадиси Шарифдан*

Жоҳилликдан бесаодатлироқ нима бор?

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ёшларимизни, болаларимизни, фарзандларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Уларни ўзимиз, ўз қўлимиз билан тарбия қиламиз.

*Ислом Каримов*

Ҳаракат заиф бўлган жойда, кучли билим фойдасиздир. Ҳаракатсиз билим — ипсиз камон ўқидир.

*Замаҳшарий*

... жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади.

*Ислом Каримов*

Ишга яраб қолса илминг бир муддат,  
Яна оширмоққа айлагил шиддат.

*Мирзо Улуғбек*

Қадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан, такрорлайман, ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади.

*Ислоҳ Каримов*

Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик — зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия ҳайфдир. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зое кетказма.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур.

*Замаҳшиарий*

Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак.

*Ислоҳ Каримов*

Кимки ўрганишни уят, ор демас,  
Сувдан дур топади, тошдан лаъл, олма.

*Низомий Ганжавий*

Хунар — хунардан унар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади. Инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди.

*Ислоҳ Каримов*

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.

*Абдулла Авлоний*

Хунарни асрабон нетгумдир охир,  
Олиб туфроғгаму кетгумдир охир.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Дипломга эга бўлиш — бу ҳали том маънодаги зиёли эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақо бўлакча инсон бўлади.

*Ислом Каримов*

Илм ва ҳунарсиз халқнинг бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлидан кетганидек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур.

*Бехбудий Маҳмудхожа*

Ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истейдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ баҳшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас.

*Ислом Каримов*

Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади.

*Ислом Каримов*

Инсоний вужуддан мақсад — энг олий бахт-саодатга эришувдир. Бахт-саодатга эришув ва туғма қобилиятларнинг ривожланиши ўз-ўзича бўлавермайди, балки бу масаллада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга муҳтожлик туғилади.

*Абу Наср Фаробий*

Таълим ва уни ислоҳ этишга сарфланган маблағ зое кетмайди, аксинча, жамиятимизни муваффақиятли ва изчил ислоҳ этиш учун қудратли, таъсирчан омил бўлади, пировардида «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарасига эришамиз.

*Ислом Каримов*

## **ЎГИТЛАРИ КЕЛТИРИЛГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ВА МАНБАЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ**

**АБДУЛЛА АВЛОНИЙ** (1878–1934) — ўзбек олими, шоири, профессор, жамоат арбоби. «Туркий гулистон ёки ахлоқ», «Мактаб гулистони» ва бошқа асарлар муаллифи.

**АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ** (1413–1482) — машҳур тарихчи, сайёҳ, олим. Тафсир, ҳадис, фикҳ илмлари ҳамда тарих ва тил адабиёт, география ва астрономия бўйича чуқур маълумот олган. Марказий Осиё, Афғонистон ва Озарбайжонда мавжуд бўлган сиёсий аҳволга ва қисман темурийлар давлати пойтахтлари — Самарқанд, Хирот шаҳарларидаги маданий қурилишлар, Мирзо Улугбекнинг илмий, сиёсий фаолиятига оид маълумотлар келтирилган «маглаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асари мавжуд.

**АБУ РАЙҲОН АЛ БЕРУНИЙ** (973–1048) — буюк ўзбек олими, қомусий билимлар соҳиби. «Масъуд Жадвали», «Ҳиндистон», «Сайдана» (доривор ўсимликлар ҳақида), «Қадимги аждодлардан қолган ёдгорлик», «Геодезия» каби 150 дан ортиқ асарлар муаллифи.

**АБУ НАСР ФАРОБИЙ** — Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон Фаробий (873–950) — буюк маърифатпарвар олим, қомусий билим соҳиби. «Фалсафага кириш», «Сиёсат ва маданият», «Идеал шаҳар фуқароларининг ахлоқий қарашлари», «Илмлар мажмуаси» сингари мантиқ фалсафа, тил билими, илми бадеъ, мусиқа назариясига оид 160 га яқин асар ёзган. Арасту (Аристотел)дан сўнг иккинчи муаллим, яъни «Муаллими соний» унвонини олган.

**АБУ АЛИ ИБН СИНО** (980–1037) — жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган ўзбек қомусий олими. «Тиб қонунлари» тўлиқ асарлар тўплами мавжуд. Ундан Европа олий тиббиёт билимгоҳларида асосий дарслик сифатида фойдаланиб келин-

ган. Ахлоқ, одоб, саломатлик, фалсафий мавзуларда рубоийлар ёзган.

**АВАЗ Ўтар ўғли** (1884–1919) — ўзбек тараққийпарвар шоири, тил ўрганиш, маърифатли бўлиш, инсоф, диёнат, одамийлик мавзуларида ғазаллар битган.

«**АВЕСТО**» — милоддан аввалги 7–6- асрларда ҳозирги Ўзбекистон (Хоразм) ҳудудида яратилган диний, илмий, маънавий-маърифий асар, зардуштлиқнинг муқаддас китоби.

**АЛМАЙЙ**, **Миржалол ўғли Мулла Фазлуллоҳ** (1850–1895) — тошкентлик ўзбек шоири ва олими. Билимнинг, яхши хулқнинг, эзгуликнинг фазилатлари ҳақида шеърлари мавжуд.

**АЛИШЕР НАВОИЙ** (1441–1501) — ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, тилшунос олим, мутафаккир, давлат арбоби, шеърят мулкининг султони. Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Дехлавийлар анъанасини давом эттириб ўз она тилида машҳур «Хамса» асарини яратган. Унинг «Тарихи мулуки Ажам», «Мажолис ун-нафоис», «Муншаот», «Мезон ул-авзон», «Ҳазойин ул-маоний», «Лисон ут-тайр», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа тарихга, адабиётшуносликка, тилшуносликка бағишланган, шунингдек диний, фалсафий, ахлоқий, маърифий қатор асарлари мавжуд.

**АНБАР ОТИН Фармонқул қизи** (1870–1906) — ўзбек шоираси. Шоиранинг шеърий девони ва «Қаролар фалсафаси» деган насрий асари мавжуд.

**АҲМАД ЮГНАКИЙ** — 11–12- асрларда ўтган шоир, олим. Унинг фақат «Ҳибат ул-хақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») номли шеърий дидактик асари сақланиб қолган. Унда илм ўрганишнинг, ширин сўз бўлишнинг, камтарликнинг фойдаси, такаббурлик, хасислик ва аччиқ сўзликнинг зарари ҳақида фикр юритилади.

**АҲМАД ЯССАВИЙ** (?–1166) — 12- асрда яшаган улуг дин арбоби, Яссавия тариқатининг асосчиси, шоир. Диний, фалсафий, маънавий, ахлоқий мавзудаги шеърлари «Девони ҳикмат» номи билан нашр этилган.

**БАЁНИЙ, Муҳаммад Юсуф** (1858–1923) — ўзбек шоири, тарихчи, муסיқашунос, ҳаттот ва таржимон. Унинг шеърини девони «Шажараи Хоразмшоҳини», «Хоразм тарихи» номли тарихий асарлари мавжуд.

**БЕҲБУДИЙ МАХМУДХОЖА** (1879-1919) — ёзувчи, журналист, жамоат арбоби. «Китоб ул-атфол» («Болалар учун китоб»), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи») ва бошқа бадиий асарлар муаллифи. Асарларида маориф, ёшлар тарбияси, халқ бахт-саодатини тараннум этган.

**БОБУР, Заҳириддин Муҳаммад** (1483–1530) — темурий шаҳзода, буюк бобурийлар салтанатининг асосчиси, саркарда. Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, тарихчи, олим. «Бобурнома», «Муфассал», шунингдек, муסיқа, ҳуқуқ ва фалсафага оид асарлари мавжуд.

**ДИЛШОД ОТИН** (1800/01- 1905/06) — ўзбек шоираси, маърифатпарвар. Шоира ғазал, мухаммас, мусаддас, дostonлар муаллифи. «Замонадан шикоят», «Ҳаёт малҳи» ва бошқа асарларида халқ ҳаёти ва турмуши ҳақида фикр юритилган. У тўғрилиқ, роист сўзлаш, билиш кишини иллатлардан ҳоли тутати, юксакликка чиқаради, ноҳақлик, эгрилик, билимсизлик, ҳунарсизлик тубанликка етаклайди деган фикрни илгари суради.

**ЗАМАХШАРИЙ, Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад** (1075–1144) — хоразмлик тилшунос, тафсир ва ҳадис олими, адиб. Араб тили ва адабиёти, ислом тарихини яхши билган, ҳаттотлик санъатини пухта эгаллаган. Ҳадис, фикҳ, тафсир, аруз, адабиёт, тил, географияга оид 50 дан ортиқ асар муаллифи. «Ал муфассал» («Грамматикага оид муфассал китоб»), «Ал ун-музаж» («Намуна»), шунингдек «Муқаддимот ул-адаб» («Адаб илмига муқаддима»), «Ан-насоуҳ ус-сиғор вал-ба волиғ ул-кибор», («Кичикларга насиҳатлар ва улуглар етуклиги»), «Девон ул-Замахшарий» ва б.



**ЗЕБУННИСО** (1639–1702) — Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг панневараси Аврангзеб (Тахтбезаги) Оламгирнинг қизи. Илм-маърифат, одоб, аёлнинг қадр-қиммати, ваъдага вафо, дунёвий севги унинг ижодида асосий мавзу ҳисобланган. Форс тилида ижод қилган.

**КАМИЙ** (1895–1922) — тошкентлик ўзбек шоири. Мумтоз адабиётнинг барча жанрида ижод этган, илм-фан, маърифат, касб-ҳунарни улуғлаган, жаҳолат ва нодонлик, маънавиятга эътиборсизлик ва бидъатни қоралаган.

**КОМИЛ ХОРАЗМИЙ, Паҳлавон Ниёзмуҳаммад** (1825–1899) — ўзбек шоири, маърифатпарвар, таржимон, муסיқашунос. Меҳнатсеварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, илм-ҳунар ўрганиш ҳақида ғазаллар ёзган.

**КОШИФИЙ** (1440–1505) — адиб, олим, маърифатпарвар. Тарих, фикҳ, ахлоққа доир асарлар муаллифи, «Ахлоқи Муҳсиний» асари Огаҳий томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

**ЛУТФИЙ** (1366–1465) — ўзбек мумтоз шоири ва мутафаккири, Алишер Навоийнинг устози, малик ул-калом. Унинг шеърий девони ва «Гул ва Наврўз» достони мавжуд.

**МАШРАБ, Бобораҳим Муллавали ўғли** (1641–1711) — ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси. Машраб ўз асарларида адолат, ҳақиқат, дунёвий севги ва илоҳий ишқни тараннум этган.

**МАҲМУД КОШҒАРИЙ** — 11- асрда ўтган буюк қомусий олим ва шоир. «Девону луғотит-турк» асарининг муаллифи. Бу китобида туркий халқлар оғзаки ижодидан 300 дан ортиқ мисоллар келтиради. Буларнинг мавзуи ранг-баранг бўлиб, меҳнатсеварлик, юртпарварлик, иродалилик каби хислатларга бағишланган. Туркий шеъриятни адабиётшунослик атамаларини ўрганишнинг ягона манбаидир.

**МИРЗО УЛУҒБЕК** (1394–1449) — темурий шаҳзода, давлат арбоби, буюк ўзбек олими, «Зижи Кўрагоний» («Кўрагоний юлдузлар жадвали»), «Таърихи улуси арбаа» («Тўрт улус тарихи») асарларининг муаллифи.

**МИСКИН** (1880–1937) — маърифатпарвар шоир, зулм-зўрлик, бидъат ва хурофотни қоралаб, маърифатни улуғловчи шеърлари мавжуд. «Армуғони Хислат», «Баёзи Ҳазиний» ва бошқа тазкираларга киритилган.

**МУНИС, Шермуҳаммад Аваз ўғли** (1778–1829) — истеъдодли ўзбек шоири ва тарихчиси. «Мунис ул-ушшоқ», «Саводи таълим», «Фирдавс ул-иқбол» асарлари мавжуд.

**МУҲАММАД ЗЕҲНИЙ** — турк олими, одоб-ахлоқ ва фаннинг турли соҳаларига бағишланган ўнлаб асарлар муаллифи. Ҳикматлардан иборат «Муқаттаоти арабийя» (Арабча ҳикматлар сайланмаси) китоби шуҳрат қозонган.

**МУҲАММАД ҲУСАЙН** (19- аср) — ўз даврининг етук олими ва давлат арбоби бўлган. «Кўрмоқ керак» (Мебойд дид) китоби мавжуд, унда ҳукмдорлик, адлу инсоф, фуқаропарварлик улуғланади.

**НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ** (тахм. 1141–1209) — улуғ озар шоири, форс тилида ижод қилган. «Ҳамса» достони ва ахлоқий-таълимий мавзудаги асарлари мавжуд.

**НОДИРАБЕГИМ, Комила Раҳмонқул қизи** (1792–1842) — давлат арбоби, истеъдодли ўзбек шоираси. Илми, ахлоқ-одобни, маърифатни, гўзалликни таъриф этувчи қатор ғазаллари мавжуд.

**НОЗИМАХОНИМ** (? — 1920) — ўзбек шоираси. 19- аср 2- ярмида Тошкент шаҳрининг Бешоғоч даҳасида зиёли оиласида туғилган. Озодлик, илм-маърифат ва эзгуликни тараннум этган, жаҳолат, эркисизлик, маъносиз ҳаёт кечириш, бидъатни қоралаган.

**ОРАЗИЙ** (1867–1942) — атоқли ўзбек шоири, илм-маърифат, ҳуррият ва касб-ҳунарни улуғловчи шеърлар муаллифи. Танланган асарлари нашр этилган, ундан билимни, илм-маърифатни, ҳурриятни ва касб-ҳунарни тарғиб этувчи ғазаллар жой олган.

**ОГАҲИЙ, Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли** (1809–1874) — ўзбек шоири, тарихчи олим. «Таъвиз ул-ошиқин» девони мавжуд.

**ОТОЙИ** — 15- асрнинг биринчи ярмида ўтган етук ўзбек лирик шоири. Мирзо Улуғбек саройида бирмунча вақт хизматда бўлган. Лирик шеърларидан иборат девони 1994 йилда Тошкентда чоп этилган.

**ПОШШОХОЖА, Ибодулла Сайид Пошшохожа Абдулваҳобхожа ўгли** (1480–1566) — ўзбек шоири ва ҳикоянависи. «Гулзор», «Мифтоҳ ул-адл» («Адолат калити»), «Махзан ул-асрор» асарлари мавжуд.

**ПАҲЛАВОН МАҲМУД** (1247–1326) — машҳур ўзбек шоири, рубоийнавис, кураги ерга тегмаган полвон. Мардлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ахлоқ-одоб мавзуида рубоийлар ёзган. Рубоийлари тўплам ҳолида Тошкентда нашр этилган.

**РУШДИЙ** (18- аср) — шоир, таржимон ва ёзувчи. «Тазкират ул-авлиёи туркий» китоби, «Ғавс ул-Аъзам» қиссаси бизгача етиб келган. Биринчи китобида 88 нафар суфий алломалар, улар ҳақидаги ҳикоятлар нақл этилади, уларнинг ҳикматли сўзлари келтирилади.

**САИД ҚОСИМИЙ** (14- аср) — ўзбек шоири, ахлоқий-таълимий тавсифдаги «Гулшани роз», «Ҳақиқатнома», «Садоқатнома» дostonларида илм-маърифат, ахлоқ-одоб, хайр-эҳсон, адолат ва одил шох, қаноат, имон, ҳалол ризқ ва бошқа эзуликлар улуғланади.

**САЙФИ САРОЙИ** (1321–1396) — истеъдодли шоир ва таржимон. Саъдийнинг «Гулистон» асарини «Гулистони бит-туркий» номи билан ўзбек тилига таржима қилган. «Сухайл ва Гулдурсун» дostonи мавжуд.

**СОБИР САЙҚАЛИЙ** (1730–1798) — лирик шоир. «Қиссаи Сайқалий», «Қиссаи Ҳамроҳ ва Ҳурилик», «Равзот уш-шуҳадо» ва бошқа дostonлари мавжуд.

**СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР** (1336–1405) — Шаҳрисабзда тугилган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда буюк темурийлар ҳукмронлигига асос солган, машҳур саркарда, маданият, илм-фан ҳомийси, кўплаб меъморий обидалар бунёд эттирган, шеърятни, ижодкорларни қадрлаган. Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Арабистонда

илм-фан, тасвирий санъат, адабиёт, меъморлик янги босқичга кўтарилган. «Темур тузуклари», «Зафар йўли» номли пандномаси мавжуд.

**СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ** (1884–1934) — мумтоз шеърят намोёндаси, ношир. «Тухфаи Шавкат», «Савти Шавкат» баёзларини тузган.

**СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ** (? — 1186) — Хожа Аҳмад Яссавийнинг истеъдодли шогирди, туркий тасаввуф шеърятининг жаҳонга машҳур вакили. Халқ орасида Ҳаким Ота номи билан ҳам машҳур бўлган. «Боқиргон китоби» 1848 ва 1898 йилларда Қозонда босилган. 1991 йилда у кириллица алифбосида Тошкентда нашр этилган. Ўз шеърятида инсонни улуғлаган, маърифатни, инсоф, диёнат, ахлоқ, одоб, камтарлик каби фазилатларни тараннум этган.

**СЎФИ ОЛЛОЁР** (1620–1721) — суфийлик тариқатининг йирик намоёндаси, шоир. «Сабот ул-ојизин», «Мурод ул-орифин», «Нажот ул-толибин» ва бошқа рисолалари мавжуд.

**ТОЛИБИЙ** (18- аср) — ахлоқий-таълимий тавсифдаги толибнома достони бизгача етиб келган, унда ҳалоллик, ростгўйлик, ширинсўзлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, имон, эътиқод улуғланади, зулм зўрлик, барча ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар қораланади.

**«ФАВОҚИҲ ал ЖУЛАСО»** — «Дўст боғининг мевалари» номи билан ўзбек тилига таржима қилинган. Бу асар арабча бўлиб, илм-адаб мавзуидадир.

**ФАРИДИДДИН АТТОР** (1148–1220) — тасаввуф олими, шоир. «Мантиқ ут-тайр», «Мусибатнома», «Илоҳийнома» ва бошқа асарлари мавжуд. Алишер Навоий унинг «Мантиқ ут-тайр» асаридан илҳомланиб «Лисон ут-тайр» фалсафий-дидактик асарини ёзган.

**ФИТРАТ** (1886–1937) — шоир, мутафаккир, драматург, тилшунос, истиқлол учун фаол курашчи. «Юрт қайғуси» тўпламида тил ва миллат эркинлиги мавзуидаги публицистик асарлари жамланган. Фитрат ўз халқини маърифатли бўлишини, унинг ўз тақдирини ўзи белгилашини орзу қилади. Унинг бутун ижоди ана шу мавзуга

қаратилган. «Сайха», «Миллий шеърлар» тўплами, «Абулфайзхон» асари айниқса машҳурдир.

**ХИРОМИЙ** (1810–1891) — ўзбек лирик шоири. «Мухаммаслар девони», «Тўғинома», «Чор дарвеш» ва бошқа дostonлари бўлиб, уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, илм-фан, касб-хунарга меҳр қўйиш, маърифат тарғиб этилган.

**ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ** — 17- аср ўргалари — 18- аср бошларида яшаб ижод этган. «Дастур ул-мулк» (Подшоларга қўлланма) асарини ёзган.

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ** (1020–?) — атоқли давлат арбоби, туркий дostonчи шоир. «Қутадғу билиг» дostonи мавжуд, 73 бобдан иборат бу ўғитнома адолатли ҳукмрон, давлатни тadbир билан бошқариш, илм ўрганиш, касб-хунар эгаллаш, халқ ғамини ейиш ҳақидаги пандлардан иборат.

**ҚУТБ ХОРАЗМИЙ** (?–1365) — атоқли ўзбек шоири. Ахлоқ, одоб, маърифат, яхши хулқ, адолат мавзуидаги шеърлари мавжуд.

**«ҚЎРҚИТ ОТА КИТОБИ»** — туркий халқларнинг қадимий оғзаки ижод намунаси, халқни қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонийлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Китобнинг қадимги туркийчадан ҳозирги ўзбек тилига таржимаси мавжуд.

**ҲАДИСИ ШАРИФ** — Қуръони Каримдан кейинги иккинчи ўринда турувчи муқаддас китоб. Имом ал Бухорий тўплаган тўрт китобдан иборат ҳадислар ислом оламида саҳиҳ, яъни энг ишончли деб тан олинган.

**ҲАЙДАР ХОРАЗМИЙ** — 14- асрда яшаб ижод этган атоқли ўзбек шоири, машҳур «Муҳаббатнома» асарининг муаллифи.

**ХУСАЙН БОЙҚАРО** (1438–1506) — темурий шаҳзода, давлат арбоби, шоир, Навоийнинг болаликдан бирга ўсган дўсти. «Девон»и ва дўсти Навоийга бағишланган «Рисола» китоби мавжуд.

**ҲУВАЙДО, Хожаназар Ғойибназар ўғли** — 18- асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири. Диний, фалсафий, ахлоқий, дунёвий севги ва илоҳий ишқ мавзуларида ғазаллар битган.

## АДАБИЁТ

1. Ислом Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. —Т.: «Ўзбекистон», 1998.

2. Ислом Каримов. Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, —Т.: «Ўзбекистон», 1996.

3. Ислом Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзланган нутқ. 1997.

4. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. —Т.: «Ўзбекистон», 1998.

5. Ислом Каримов. Ирода ва иймон-эътиқодимиз синови. —Т.: «Ўзбекистон», 1999.

6. Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзлари. —Т.: «Шарқ», 1998.

7. Ватанни севмоқ иймондандир (иншолар тўплами). —Т.: 1995.

8. Маънавият юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, 1999.

9. Баркамол авлод орзуси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000.

10. Фуломов С. Ўғитнома. «ОЎМТВ», Тошкент, 2003.

## Мундарижа

|  |    |
|--|----|
| Муқаддима.....   | 3  |
| Тарбия, таълим, иқтидор, уқув, малака.....                                 | 6  |
| Инсон, устоз, билим, илм, ҳунар, бошқарув.....                             | 11 |
| Оила, қариндош, уруғ, маҳалла, қўшни, дўст, душман.....                    | 26 |
| Ақл, донолик, нодонлик.....  | 33 |
| Эл, юрт, умр фасллари.....   | 37 |
| Мардлик, номардлик, ҳушёрлик, ғайратлилик.....                             | 40 |
| Тил, сўз, ғаразсизлик, миннат, хулқ.....                                   | 42 |
| Иффат, ҳаё (кулги), ваъда, вафо, камсуқумлик.....                          | 49 |
| Тўғрилиқ, эгрилик, яхшилик, ёмонлик.....                                   | 52 |
| Чин, ёлгон, сукут, тилни тиймоқ.....                                       | 55 |
| Ҳуқуқ, қадр, иззат, ҳурмат, обрў, амал, улуғлик.....                       | 58 |
| Чидам, сабот, қаноат.....  | 59 |
| Камтарлик, манманлик, саҳийлик, очкўзлик, таъмагирлик...                   | 61 |
| Насиҳат, маслаҳат, кенгаш, ҳиммат, ҳадя.....                               | 63 |
| Соғлиқ, мўътадиллик, нафсни тийиш.....                                     | 65 |
| Омонат, тухмат, ғийбат, ҳиёнат.....  | 68 |
| Ахлоқ, одоб, инсоф, иймон, адолат.....                                     | 70 |
| Тежамкорлик, исроф, жаҳл, пушаймон.....                                    | 76 |
| Гўзаллик, эзгулик, ҳалоллик, ризқ, меҳнат, бахт.....                       | 79 |
| Комиллик — етишиб келаётган авлод мақсади.....                             | 83 |
| Ўғитлари келтирилган аجدодларимиз ва манбалар ҳақида қисқача маълумот..... | 86 |
| Адабиёт.....   | 94 |

# КОМИЛЛИК ЎГИТЛАРИ

**МУҲАММАДАЛИ ҲАКИМОВИЧ САИДОВ,**  
*иқтисод фанлари доктори*

**ЗОИР ТОҲИРОВИЧ ТОҲИРОВ,**  
*филология фанлари номзоди*

Тошкент — «Молия» — 2002

|  |                      |
|--|----------------------|
| Муҳаррир                                 | <i>Л. Тоҳиров</i>    |
| Техник муҳаррир                          | <i>А. Мойдинов</i>   |
| Компьютерда оригинал<br>макет тайёрловчи | <i>Ф. Караханова</i> |

Босишга рухсат этилди 06.03.2003 й. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
«TimesUZ» ҳарфида терилди. Босма табағи 6,0.  
Нашриёт ҳисоб табағи 5,7. Адади 3000. Буюртма № 45.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Молия» нашриёти, 700000, Тошкент. Я. Колас кучаси 16-уй.  
Шартнома № 07-03.

Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasida chop etildi.  
Тошкент ш. Олмазор, 171-уй.